

Сентябрь
2020

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 38 (1362) • 2020 йил 22 сентябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҒДА

Технопарк резидентларига қўйиладиган талаблар

3-бет

ЭХФ эски шаклда расмийлаштирилган бўлса

4-бет

Корпоратив картадан ходимлар овқатланишини ташкил этиш учун маҳсулотлар сотиб олиш мумкинми?

6-бет

Ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журнали нима учун керак?

7-8-бетлар

Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқлар

9-10-бетлар

Қанча нақд валютани Ўзбекистон божхона чегарасидан олиб чиқиш мумкин

14-бет

АУТСОРСЕР БИЛАН МУАММОЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

Аутсорсинг шартномасини тузаётганда нималарга эътибор қаратиш зарур

15-16-бетлар

✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР


МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ЎҚИТИЛАДИ ВА УЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Президентнинг 15.09.2020 йилдаги ПҚ-4829-сон қарори билан хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий этилади.

Хужжатга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

биринчидан, хорижга чикиб кетаётган шахслар ишга юборилишидан олдин касб-хунарга ўқитилади. Хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган шахслар бундан мустасно. Касб-хунарга ўқитиш давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Меҳнат миграциясига чикиб кетаётган шахсларни касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш учун маҳаллаларда «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ташкил этилмоқда. Худудларда қўшимча равишда коллеж ва техникумларнинг биноларида қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари очилди (11.08.2020 йилдаги ПҚ-4804-сон). Уларнинг ўқув дастурлари хорижий йирик иш берувчиларнинг талабларига мослаштирилади. Хорижий иш



берувчилар ва хусусий бандлик агентликлари билан улар учун зарур бўлган касблар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида узвий алоқалар ўрнатилади.

Кейинги йил бошида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида япон тили ва касбий малака тест маркази, Фарғонада пайвандчилар мактаби, Гулистонда хизмат соҳасида фао-

лият кўрсатадиган ишчиларни тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилади. Наманган вилоятида эса «IT School» ўқув марказлари ҳамда чет тилларига ўқитиш ва хизмат соҳаси бўйича касбларга тайёрлаш ўқув марказлари ташкил этилади.

иккинчидан, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик **2-бетга**

✓ МУТАХАССИС ШАРҲИ

Жорий йилнинг 18 август–2 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида «Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгартиришлар билан) қўшилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди.

КИОТО КОНВЕНЦИЯСИ БОЖХОНА СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



13-бетга

✓ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Молия вазирининг Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи лойиҳаси муҳокама қилиш учун ҚХТБТ порталида жойлаштирилган. Унинг қабул қилиниши билан нималар ўзгаради?

Бухгалтерлар ташвишланмасалар ҳам бўлади: катта ўзгаришлар назарда тутилмаган.


Низом бошланғич ҳужжатда қўшимча реқвизитлар келтирилиши мумкинлигини белгилловчи қоида билан тўлдирилмоқда. Бошқа тузатишлар асосан тахририй тусга эга.

Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган ва ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, ҳамда ҳужжатлар айланишини амалга ошириш бўйича ягона тартибни белгилайди. Унинг амал қилиши Ўзбекистондаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга татбиқ қилинади, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно.

Низом лойиҳасида корхоналар томонидан амалга ошириладиган барча ҳўжалик операциялари тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозимлиги қайд этилади, улар бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади ва улар асосида бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда бошланғич ҳужжатларни ахборот тизимлари хизматларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тузишга йўл қўйилади. Бундай ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобида тегишли мажбурий реқвизитлар мавжуд бўлгандагина қўлланилади. Электрон ҳужжатларни сақлашда улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз **2-бетга**

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ЎҚИТИЛАДИ ВА УЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ



амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган, Ижтимоий химоя ягона реестрида рўйхатдан ўтказилган кам таъминланган оила аъзоларига куйидаги шартларда микрокарзлар берилди:

- 10 млн сўмгача миқдорда;
- 1 йил муддатга;
- микрокарзлар хорижда ишга жойлаштиш, шу жумладан йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун;
- микрокарз фойз ставкасининг МБ асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади;
- микрокарз ҳамда унга ҳисобланган фойзаларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг ҳисобварақларига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали ке-

либ тушган маблағлардан ушлаб қолиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа усулларда тўланиши мумкин;

учинчидан, меҳнат мигрантларига ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади (8.06.2020 йилдаги ПҚ-4742-сон қарор 3-б., 3-хатбоиши; 10-б. 2-хатбоиши);

тўртинчидан, Ижтимоий химоя ягона реестрида рўйхатдан ўтказилган, хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келган кам таъминланган оила аъзоларига:

- а) Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан куйидаги харажатларни қоплаш учун 10 БҲМгача миқдорда субсидия тўланади;
- яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёки кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказган вақтдан бошлаб

биринчи 3 ой давомида ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ижара ҳақини тўлаш;

- тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқиш;
- кредит олишда таъминот сифатида тақдим этиладиган суғурта полиси бўйича тўловларни амалга ошириш;
- б) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар бўйича кредит фойзи ставкасининг МБ асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.


16 сентябрдан бошлаб чет давлатларда мураккаб молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, маблағларсиз қолган фуқароларга тўланадиган бир марталик моддий ёрдам миқдори 1 БҲМдан 2 БҲМгача оширилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг меҳнат миграцияси соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб эътироф этилди. Шу муносабат билан Ташқи меҳнат миграция агентлигининг ҳудудий филиаллари янги тартибда фаолият юритади. Ҳокимлар ҳудудий филиалларга умумий раҳбарлик қилади, Агентлик ҳудудий филиалларга методик ёрдам кўрсатади, маълумот беради, ходимларини рағбатлантиради ва моддий-техника базасини мустақамлашга кўмаклашади. Филиалларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва меҳнат инспекторлари хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оила аъзоларининг ҳолидан мунтазам хабар олиб туради.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.09.2020 йилдан кучга кирди.

Олег ЗАМАНОВ,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРИШИ МУМКИН



этиш имконияти таъминланиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш шароитида бошланғич ҳужжатлар реқвизитлари қодлар кўринишида қайд этилиши мумкин. Бунда электрон шаклда тузилган бошланғич ҳужжат ва регистр электрон рақамли имзо ҳақидаги қо-

нун ҳужжатларига мувофиқ унинг тўғри тузилиши учун жавобгар бўлган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

- Низом:
- бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш, сақлаш тартибини;
 - қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш,

сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш тартибини ҳужжатлар айланишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Низомга иловаларда куйидаги шакллар келтирилган:

- Қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш журнали;
- қатъий ҳисобдаги бланкаларга олиш-назорат қилиш варағи;
- корхона бўйича ҳужжатлар айланишининг намунавий графиги.

ТОВАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ: У ҚАНДАЙ АНИҚЛАНИШИ МУМКИН

Давлат божхона кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тўғрисидаги тартиб лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тартиб лойиҳаси Президентнинг «Давлат ҳуқуқий сифатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома 13.01.1998 йилда тасдиқланган (АВ рақами 390).

Тартиб лойиҳаси мамлакатимиз божхона ҳудудида олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини тўғри аниқланишининг янги тартибини белгилайди.

Ҳужжат тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар тақдим этилишини назарда тутади. Хусусан, божхона ҳудудида келиб чиқиши номаълум бўлган товарнинг қийматини аниқлаш, товарнинг миқдори товар кузатув ҳужжатларида кўрсатилганига нисбатан қўлиги аниқланган ҳолатларда товарларнинг божхона қийматини маълум қилиш ва уни аниқлаш тартибини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Бундан ташқари, тартибга иловалар билан Ички бозордаги шакланган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг нархларини ўрганиш тўғрисидаги далолатнома ва Олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг 6.4-усулини қўллаш бўйича тавсиялар тасдиқланади.

Лойиҳалар ҚҲТБТ порталида 29.09.2020 йилга қадар муҳокама қилиш учун жойлаштирилган. Улар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Меҳнат мигрантлари ўқитилади ва уларга молиявий ёрдам кўрсатилади

1-2-бетлар

• БОЖХОНА

– Киото конвенцияси божхона соҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади
– Тадбиркор муаммолари ўрганилмоқда
– «Оқ кўприк»дан қора ният билан...
– Қанчагача рухсат бор?
– Мураккаб шароитларда мукамал ишлаб...

1, 13,14-бетлар

• НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

– Ҳужжатлар айланиши тартибида нималар ўзгариши мумкин
– Товарнинг божхона қиймати: у қандай аниқланиши мумкин

1-2-бетлар

• СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЭЪТИБОРИГА

– Дипломатик ваколатхоналарга ҚҚС қандай қопланади
– Технопарк резидентлари имтиёзларни қандай қўллайдилар
– ҚҚС нархлар фарқидан ҳисобланса ЭХФ қандай тўлдирилади
– Эски шаклда расмийлаштирилган ЭХФни нима қилиш керак

3-4-бетлар

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Бош пудрагачида хатоларни тузатиш
– Лизингга берувчининг фойзлик даромади ЭХФ
– Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома: жисмоний шахсга қўшимча тўловлар ва норезидентнинг даромадларидан ижтимоий солиқ ставкаси
– Норезидент жисмоний шахснинг дивидендларидан солиқ
– Корпоратив карта: фойдаланиш жиҳатлари

5-6-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Четфирмаларни қандай қилиб тўғри ҳисобга олиш мумкин

– Кимлар ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналин юритади

7-8-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2020 йилнинг сентябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти

9-10-бетлар

• АМАЛИЙ ТАҚЛИФ

– Оммавий оферта

11-12-бетлар

• ТАЪЛИМ

– Олий ўқув юртига – талловсиз

12-бет

• МОҲИРЛАРДАН МАСЛАҲАТ

– Аутсорсер билан муаммолар бўлмаслиги учун

15-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРГА ҚҚС ҚАНДАЙ ҚОПЛАНАДИ

Дипломатик ваколатхоналарга ҚҚС суммасини қайтариш қоидалари Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган. Молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ бу ҳақда батафсил гапириб берди.

Куйидагилар учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган ҚҚС қопланади:

- хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари томонидан расмий фойдаланиш учун;

- уларнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг (Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шу жумладан, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг (кейинги ўринларда-дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари) шахсий эҳтиёжи учун.

ҚҚСни қайтариш учун солиқ органларига сотиб олиш операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган харидларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини илова қилган ҳолда ариза тақдим этиш зарур. Бундай ҳужжатлар жумласига етказиб берувчилар томонидан расмийлаштирилган ҚҚС суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар, инвойслар, назорат-касса техникасининг чеклари, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган чипталар, талонлар, чеклар ёки шуларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар киради (Низом 35-б.).

Дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар ва уларнинг

оила аъзолари томонидан сотиб олинган товарлар бўйича тўланган ҚҚС суммаси хорижий давлатларнинг дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналари орқали қопланади (Низом 36-б.).



Тўланган ҚҚС суммаси дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига харидлар сонидан қатъи назар фақат битта объект бўйича қоплаб берилади:

бир йил мобайнида автотранспорт воситалари бўйича; уч йил мобайнида кўчмас мулк объектлари бўйича. Бунда, кўрсатилган шахслар қайси объект бўйича ҚҚС суммаси қопланишини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўладилар (Низом 37-б.).

Тақдим этилган ҳужжатлар камерал солиқ текширувидан ўтказилади. Ариза берилган кундан эътиборан беш кун мобайнида солиқ суммасини қоплаш (тўлик ёки қисман) ёки солиқ суммасини қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади (Низом 38-б.).



асосда қўллаши мумкин (Низом 40-б.).

Ташки ишлар вазирлиги ҳар йили жорий йилнинг 1 февралига қадар ДСҚга:

- хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари рўйхатини;

- ҚҚСни қоплашда кўшимча чекловлар ва шартлар тўғрисида маълумотни ва уларни паритет асосда қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосасини тақдим этади (Низом 41-б.).



Ушбу ҚҚСни қоплаш қоидалари чет давлатнинг қонун ҳужжатларида Ўзбекистоннинг шу каби шахсларига нисбатан ҚҚС суммасини қоплаш назарда тутилган бўлса ёхуд бундай норма ЎЗРнинг халқаро шартномасида назарда тутилган бўлса қўлланилади.

Чет давлатнинг қонун ҳужжатларида Ўзбекистоннинг шу каби шахсларига нисбатан ҚҚСни қоплашда кўшимча чекловлар ва шартлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳолда солиқ органи Ташки ишлар вазирлиги тақлифига биноан Низомда кўзда тутилмаган кўшимча чекловлар ва шартларни паритет

ТЕХНОПАРК РЕЗИДЕНТЛАРИ ИМТИЁЗЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚўЛЛАЙДИЛАР

Шу йилдан эътиборан Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича Mirzo Ulugbek Innovation Center (MUIC) инновация маркази тугатилгани сабабли унинг резидентлари Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига (IT Park) ўтказилган. Шу муносабат билан улар учун назарда тутилган имтиёзларни қўллаш тартибига оид саволлар вақти-вақти билан юзага келмоқда.

«Noqta» компаниясининг етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА вазиятга оидинлик киритди.

Қайси норматив ҳужжатларга амал қилиш лозим

Инновация маркази резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга куйидагиларни тўлашдан озод этилган эди:

- барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек ЯИТни (энди ижтимоий солиқни);

- белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кийраётган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун боғжона тўловларини (боғжона йиғимларидан ташқари) (30.06.2017 йилдаги ПФ-5099-сон 5-б.).

ПФ-5099-сон Фармон билан берилган имтиёзларнинг амал қилиши Технопарк резидентларига татбиқ этилади (10.01.2019 й. ВМнинг 17-сон қарори 5-б.).

Яъни Инновация маркази резидентлари Технопарк резидентла-

рига айланиб, уларга берилган имтиёзлардан фойдаланишда давом этадилар.

Инновация маркази резидентлари бўлган корхоналар Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича Mirzo Ulugbek Innovation Center инновация маркази тўғрисидаги Низомга амал қилганлар (15.08.2017 й. ВМнинг 631-сон қарорига 2-илова).

Инновация маркази тугатилганига қарамай, Низом амал қилишда давом этмоқда. Унга валюта маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришлар киритилган эди (10.08.2020 й. ВМнинг 472-сон қарорига 1-илова 12-б.).

Энди корхоналар Технопарк резидентларига айлангани сабабли улар Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга ҳам амал қилишлари керак (15.07.2019 й. ВМнинг 589-сон қарори билан тасдиқланган).

Технопарк резидентларига қўйиладиган талаблар

Резидентлар фақат куйидаги фаолият турларини амалга оширишлари мумкин:

- компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар (ИФУТ 62010 – 62090);
- маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Web-порталлар (ИФУТ 63110 – 63120);

- дастурий таъминотни чиқариш (ИФУТ 58210 – 58290);

- бошқа тоифаларга киритилмаган таълимнинг бошқа турлари – фақат ахборот технологияларини ўқитиш йўналиши бўйича (ИФУТ 85590) (589-сон Низом 9-б.).

Резидентнинг бошқа мажбуриятлари 589-сон Низомнинг 18-бандида келтирилган.



Имтиёзларни қўллаш учун белгиланган мезонларга мувофиқ келиши мажбурий ҳисобланади. Ушбу мезонларга риоя этилмаса, солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда имтиёз бекор қилинади. Корхона Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб имтиёзни йўқотади (589-сон Низом 589-б.).

Курс фаркига нисбатан имтиёзларни қўллаш мумкинми

Йўқ, курс фаркига нисбатан имтиёз қўлланмайди.

Резидентлар илгари амал қилган 631-сон Низомга мувофиқ, улар молиявий операциялар ва кўчмас мулк даромад олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бунда мазкур даромадларга нисбатан имтиёзлар татбиқ этилмаган. Ушбу даромадларга умумбелгиланган тартибда солиқ солинган (631-сон Низом 23 б.).

Ижобий курс фарки молиявий фаолиятдан олинган даромад ҳисобланади, унга нисбатан имтиёз татбиқ этилмайди (Низом В-бўлими 3, 4-б., ВМнинг 5.02.1999 й. 54-сон қарори билан тасдиқланган).

589-сон Низомда бошқача форму-

лировка берилган. Технопарк резиденти, асосий фаолиятдан олинган даромаддан ташқари, умумбелгиланган тартибда солиқларни тўлаган ҳолда (роялтидан олинмайдиган солиқлар бундан мустасно), СК (2007 йилдаги тахрирда) 132-моддасида назарда тутилган даромадларни олиш ҳуқуқига эга (589-сон Низом 27-б.).

Кўриб турганимиздек, бу ерда ҳозирча эски тахрирдаги СК 132-моддасига ҳавола қолган. Унда бошқа даромадларнинг рўйхати келтирилган, уларнинг таркибига ижобий курс фарки ҳам киради (2007 йил тахриридаги СК 132-м. 13-б.) 589-сон Низом бўйича ижобий курс фаркига ҳам имтиёз татбиқ этилмайди.

ҚҚС НАРХЛАР ФАРҚИДАН ҲИСОБЛАНСА ЭҲФ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ

Қоида тариқасида, ҚҚС битим тарафлари томонидан қўлланилган реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади (СК 248-м. 1-қ.). Бундай вазиятларда ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш қийинчилик туғдирмайди. Бирок айрим ҳолларда ҚҚС реализация қилиш нархи ва сотиб олиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб ҳисобланади. Бундай вазиятларда ҳисобварақ-фактурани қандай тўлдиришни ДСҚ Солиқ солиш бўйича маслаҳат бошқармаси бўлим бошлиғи Улугбек ДАДАХОНОВ тушунтириди.

– Агар сиз:

- олиб сотиш учун жисмоний шахслардан олинган автомобиллар ва уй-жой кўчмас мулк объектларини;

- реализация қилишга доир айланмалари солиқ солинмайдиган айланмалар бўлган чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматларни олиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатларни реализация қилсангиз, ҚҚС бўйича солиқ базаси солиқ суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади (СК 243-м., 248-м. 11, 13-қ.).

Юқориди санаб ўтилган операцияларни амалга оширган ҳолда, сиз ҚҚС суммасини, мисол учун, жисмоний шахсдан олинган автомобилни ёки санаторийга йўлланмани сотиш нархи ва уларни сотиб олиш нархи ўртасидаги фарқдан ҳисоблайсиз.

Ҳисобварақ-фактурада товар қиймати ушбу ҳолларда иккита сатрда кўрсатилади:

- биринчи сатрда – товарнинг балансе (сотиб олиш) қиймати ҚҚСсиз кўрсатилади;

- иккинчи сатрда – ҚҚС суммаси ҳисоблаб чиқарилган товар қиймати (ижобий фарқ) кўрсатилади.

1-МИСОЛ. Автомобилни сотишда ҳисобварақ-фактурани тўлдириш

ҚҚС тўловчи бўлган корхона олиб сотиш учун жисмоний шахсдан 100 млн сўмга Chevrolet Lacetti автомобилни сотиб олди.

Шундан кейин корхона ушбу автомобилни 120 млн сўмга сотади. Бюджетга ҳисобланган ҚҚС 2 608 695,65 сўмни ((120 000 000 – 100 000 000) / 115 x 15) ташкил этади.

Автомобилни сотиш чоғида ҳисобварақ-фактурани қуйидаги тарзда тўлдириш лозим:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб бериш қиймати ҚҚС билан
						ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	
1	Chevrolet Lacetti автомобили (сотиб олиш қиймати)	дона	1	100 000 000,00	100 000 000,00		ҚҚСсиз	100 000 000,00
2	Chevrolet Lacetti автомобили (ижобий фарқ)			17 391 304,35	17 391 304,35	15	2 608 695,65	20 000 000,00
Жами					117 391 304,35		2 608 695,65	120 000 000,00

2-МИСОЛ. Йўлланмани сотишда ҳисобварақ-фактурани тўлдириш

ҚҚС тўловчи бўлган корхона ҚҚСсиз 5 млн сўмга санаторийга йўлланма сотиб олди ва уни ҚҚС билан 7,5 млн сўмга олиб сотади.

Бюджетга ҳисобланган ҚҚС 326 086,96 сўмни ((7 500 000 – 5 000 000) / 115 x 15) ташкил этади.

Йўлланмани сотиш чоғида ҳисобварақ-фактурани қуйидаги тарзда тўлдириш лозим:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб бериш қиймати ҚҚС билан
						ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	
1	Санаторийга йўлланма (сотиб олиш қиймати)	дона	1	5 000 000,00	5 000 000,00		ҚҚСсиз	5 000 000,00
2	Санаторийга йўлланма (ижобий фарқ)			2 173 913,04	2 173 913,04	15 %	326 086,96	2 500 000,00
Жами					7 173 913,04		326 086,96	7 500 000,00

Сентябрь ойида бухгалтерлар янги Низом (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) талабларини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар кўрсаткичлари иноватга олинмаган ҚҚС бўйича ҳисоботни илк бор топширадилар. Ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда ЭҲФни шакллантириш бўйича, шунингдек 15–16 августда эски шакллар бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни қайта расмийлаштириш керакми, деган саволлар юзага келмоқда. Эски шакллардан фойдаланиб расмийлаштирилган ЭҲФни нима қилиш керак?

ДСҚ ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази етакчи мутахассиси Нодир МУҲАММАДОВ buxgalter.uz илтимосига кўра шу ва бошқа саволларга жавоб берди.

ЭСКИ ШАКЛДА РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ЭҲФни НИМА ҚИЛИШ КЕРАК

– Низом 15 августдан кучга кирган, унинг талабларига мувофиқ келадиган шаклларнинг ўзи эса операторимизда ўша кунга қадар яқин пайдо бўлган. Авалги шаклларни қўллаган ҳолда тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни нима қилиш керак, ниманидир ўзгартириш зарурми?

– Ҳисобварақ-фактуралар шаклларида киритилган ўзгартиришлар ҚҚС бўйича ҳисоботнинг автоматик равишда топширилишига, солиқ маъмуриятчилиги нуктаи назаридан муҳим бўлган бошқа жараёнларга ҳам таъсир кўрсатмайди. Улар бухгалтерларга янада қулайлик яратиш учун ишлаб чиқилган. Шу сабабли кўрсатилган давр учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни улар расмийлаштирилган кўринишда қолдириш мумкин.

– Ҳисобварақ-фактураларнинг янги шаклларида корхона рекевизитлари автоматик равишда қайд этилади. Тўсатдан эскирган маълумотлар кўрсатилса, нима қилиш керак?

– Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Муайян рекевизит ўзгарган тақдирда тадбиркорлик субъектлари 10 кун муддат ичида Т8 шаклини (Низомга 9-илова, АВ рақами 2600, 10.07.2014 й.) тўлдиришлари ва уни юридик шахснинг шахсий кабинетидеги «Солиқ органларига мурожаат қилиш» тугмачасини босиб ДСИга юборишлари ёхуд ўзлари бориб топширишлари керак.

Раҳбар ва бош бухгалтер тўғрисидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетидеги «Ҳисоб маълумотларини ўзгартириш» тугмачасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

ЭҲФ шаклини тўлдираётганда тўсатдан эски ахборот чиқиб қолса, муаммони тезкор ҳал қилиш учун уни қўлда тузатиш имкони бор. Бунинг учун маълумотларига тузатиш киритилиши керак бўлган сатрда курсорни олиб бориб, янгиларини киритинг.

– Низомда акциз солиғи ҳисобга олинмаган ҳисобварақ-фактуралар шакллари келтирилган. Ушбу солиқни тўловчилар нима қилишлари керак?

– Акциз солиғи тўловчилари ҳисобварақ-фактурада акциз солиғи ставкаси ва акциз солиғи суммасини кўрсатишлари шарт (Низом 15-б.). Бунинг учун барча ЭҲА операторларида тасдиқланган шаклга керакли устунларни қўшиш имконини берадиган функционал мавжуд. Акциз солиғи тўловчилари шаклини ўзларига мослаштириш учун махсус дарчага белги қўйишлари керак. Операторнинг call-марказидан батафсил маслаҳат олишингиз мумкин.

Низомга 1-иловада барча солиқ тўловчилар учун мажбурий бўлган ҳисобварақ-фактура шаклининг асосий қисми акс эттирилган.

– Низомнинг 15-бандида айтилишича, маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилиши шарт. Ушбу функционал қандай ишлайди?

– Ушбу опция ишлаб чиқиш босқичида турибди, яқин ойларда ундан фойдаланиш имкони яратилади. У жорий этилганидан сўнг қандай ишлаши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бухгалтер ҳисобварақ-фактураларда маркировкалаш кодини кўрсатиши керак бўлади – бу товарларни реализация қилиш босқичлари устидан мониторингнинг аниқлигини ошириш учун зарур.

Маркировканинг жорий этилиши солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири ҳисобланади («Йўл харитаси»нинг 8-б., 10.07.2019 йилдаги ПҚ-4389-сон қарорига 2-илова). У босқичма-босқич жорий этилади. Рўйхатда биринчи бўлиб сигарета ва алкоголь қайд этилган (ВМнинг 23.11.2019 йилдаги 944-сон қарори).

Олег ГАЕВОЙ суҳбатлашди.

БОШ ПУДРАТЧИДА ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ

? Умумбелгиланган солиқларни тўловчи ташкилотимиз объект қурилишида бош пудратчи ҳисобланади. 2019 йилда объект фойдаланишига топширилган. Қурилиш-монтаж ишлари учун ёрдамчи пудратчи ташкилот эълан этилган. Улардан айримлари 2019 йилда ҳисобварақ-фактурани ва бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этмаган, биз бу ишларни ўз савий-ҳаракатлари билан бажарилган ишларга киритдик. Барча солиқларни тўладик, балансни топширдик. Ушбу йилда мазкур ёрдамчи пудратчилар уларнинг ҳисобварақ-фактураларини ва 2020 йилда бажарилган ишлар далолатномаларини қабул қилишни сўраптилар. Ёрдамчи пудратчилар – ҚҚС тўловчилар. 2019 йилда бажарилган ёрдамчи пудрат ишларини 2020 йилда акс эттириш учун қандай бухгалтерия про-водкаларини амалга ошириш лозим?

– Мазкур вазиятда баён қилингандек, объект куриб битказилган ва 2019 йилда фойдаланишга топширилган, ёрдамчи пудратчилар ҳам ўзларига тегишли бўлган ишларни бажариб бўлганлар. Ишларни реализация қилиш бўйича ушбу айланма улар ва бош пудрат-


чи ташкилот томонидан 2019 йилда амалга оширилган. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчиларнинг 2020 йилдаги ҳисобварақ-фактуралари ва бажарилган ишлар далолатномаларини тасдиқлай олмайди.

Ҳисобварақ-фактура 2019 йилда айланма содир

этилган санада расмийлаштирилиши лозим (2007 йилги таҳрирдаги СК 222-м. 8-қ.).

ҚҚС тўловчиси сифатида бош пудратчи ёрдамчи пудратчиларнинг ҳисобварақ-фактураларида ажратиб кўрсатилган ҚҚСни ҳисобга қабул қилиши мумкин. Сиз 2019 йил учун ҚҚС ва фойда солиғи бўйича аниқлаштирувчи ҳисоб-китобларни тақдим этишингиз ва зарурат бўлганда солиқларни кўшимча тўлашингиз лозим. Қайта ҳисоб-китоб қилиш натижа-сида солиқлар суммаси ка-майса, ҳосил бўлган фарк кейинги тўловлар ҳисобига ҳисобга олинади.

2019 йил учун молиявий ҳисобот қайта топширилмайди. Ёрдамчи пудратчиларнинг савий-ҳаракатлари билан бажарилган ишлар ҳажмини хи-



соби олмаган ҳолда бухгалтерия ҳисобида операцияларни акс эттириш ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш хато ҳисобланади. Хатолар 2020 йилги бухгалтерия ҳисобида тузилади. Фундаментал (муҳим) хатолар 2020 йил бошида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) сальдосини ўзгартириш орқали тузатилади

(АВ томонидан 27.08.1998 йилда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 3-сон БҲМС-нинг 17.1-банди). Муҳим бўлмаган хатолар 9340-«Ўтган йиллар фойдалари» ва 9430-«Бошқа операциялар харажатлар» сўғтлари орқали тузатилади. Муҳимлилик мезони корхонанинг ҳисоб сиёсатида тасдиқланади.

ЛИЗИНГГА БЕРУВЧИНИНГ ФОИЗЛИ ДАРОМАДИГА ЭХФ

? Лизингга берувчи ташкилотимиз лизингга олувчининг топширигига биноан сотувчидан мол-мулк харид қилади ҳамда лизингга олувчида тасарруфи этиш ва фойдаланиш учун беради. Объект қиймати ва фойзли даромадни ўз ичига оладиган лизинг тўловлар графикага мувофиқ амалга оширилади. Фойзли даромадни ҳар ойда бир томонлама ЭХФда акс эттирамай. Ундаги сумма лизинг тўловлари графикага мувофиқ, айнан барча лизингга олувчиларнинг (айни пайтда 200 га яқин) фақат фойзли тўловлари қисмида ҳар ойлик ялпи тушумга мос келади. ЭХФ объект берилганда бутун объект бўйича тақдим этиладими ёки объект қийматининг бир қисмини ва фойзли даромадни ўз ичига оладиган ойлик лизинг тўловларига тақдим этиладими? Ёки фойзли даромад қисми бўйича барча объектлар бўйича тўлиқ жами ойлик тушумга бир томонлама тартибда ЭХФ тақдим этилиши лозими?

– Мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади ва унга ҚҚС солинади (СК 239-м. 1-қ. 3-б.). Бунда ҚҚС ажратиб кўрсатилган ҳолда берилётган объектнинг жами қийматига ЭХФ тақдим этилиши лозим. Кейинчалик лизингга олувчи томонидан ҳар ойлик лизинг тўловлари билан ушбу сумма босқичма-босқич сўндирилади. Асосий қарз сўндириладиган ҳар бир суммага ЭХФ тақдим этилмайди.

Лизинг тўловлари графикага мувофиқ тўланади. Асосий қарздан ташқари, лизинг тўловига лизингга берувчининг фойзли даромади ҳам киритилади.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган норезидент юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги

тадбиркорлар ушбу товарлар (хизматлар) харидорларига ҳисобварақ-фактураларни тақдим этишлари шарт (Низомнинг 3-б. 1-хатбоши-си, ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-ило-ва). Лизингга берувчининг фойзли даромади хизматлар кўрсатишдан олинган даромад ҳисобланади. Низомнинг 3-банди 2–8-хатбошиларида ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш мажбурий бўлмаган ҳолатларнинг ёпиқ рўйхати белгиланган. Унга лизингга берувчининг фойзли даромади киритилмаган.

Шунингдек белгиланиши-ча, Низомнинг 3-бандига му-вофиқ ҳисобварақ-фактураларни тақдим этмаган ҳолда товарларни (хизматларни) реализация қилишда етказиб берувчи ҳар бир календарь ой якунига кўра бир марта бир томонлама умумлашти-рилган ЭХФни шакллантира-ди. Товарлар экспорти бўйи-ча БЮДни расмийлаштириш ҳолатлари бундан мустасно. Умумлаштирилган бир то-

монлама ЭХФ календарь ой-нинг сўнгги санасида, товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойдан кейинги ойнинг 5-санаси-га қадар шакллантирилади (Низомнинг 59-банди).

Фикримизча, Низомнинг 59-бандида товарларни (хиз-матларни) етказиб берувчи календарь ойнинг охириги са-насида бири томонлама ЭХФ тақдим этиши мумкин бўл-ган ҳолатларнинг ёпиқ рўй-хати белгиланади. Рўйхатда лизингга берувчининг фой-зли даромади мавжуд эмас. Бинобарин, лизингга берув-чи фойзли даромад сумма-сига ЭХФни тақдим эти-ши лозим, у лизинг олувчи томонидан тасдиқланиши керак.

Лизингга берувчининг фойзли даромади ҚҚСдан озод этилади (СК 244-м. 1-қ. 8-б.). Шу боис лизингга бе-рувчи ҳисобварақ-фактура-нинг 7-устунига «Қўшил-ган қиймат солиғисиз» ёки «ҚҚСсиз» ёзувини киритади (Низомнинг 15-банди).

ЭЪЛОН

2020 йил 1 январь ҳолатига «KAFIL-SUG'URTA» МЧЖ баланси

(миле сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
1 Асосий воситалар қолдиқ қиймати:	12 217 526,40	
2 Узоқ муддатли инвестициялар, жами:	1 429 538,00	
3 Қисқа муддатли инвестициялар, жами:	16 710 741,60	
4 Ҳисоб-китоб сўғтидаги пул маблағлари, жами:	1 042 513,50	
5 Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	821 569,00	
6 Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	2 400 625,00	
7 Товар-моддий бойлик захираси	546 630,70	
8 Сугурта қилдирувчиларнинг қарзлари, жами:	242 923,00	
9 Бошқа дебиторлик қарзлари, жами:	3 189 408,00	
10 Устав капитали		7 699 608,10
11 Захира капитали		5 499 122,10
12 Қўшилган капитал		1 999,00
13 Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)		887 103,60
14 Сугурта захиралари		23 479 344,00
15 Қайта сугурталовчиларнинг сугурта захираларидаги улуши		- 4 231 113,10
Қайта сугурта қилдирувчиларга қарзлар		3 055 456,10
16 Қайта сугурталовчиларга қарзлар		-
17 Сугурта агентлари ва брокерларига қарзлар		99 459,00
18 Тангъема ва бошқа комиссия рағбатлантириш қарзлари		-
19 Сугурталовчиларга қарзлар		68 917,70
20 Бюджет ва Максалди давлат жағмараларига тўловлар бўйича қарз		599 511,20
21 Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз		61 673,50
22 Узоқ муддатли банк кредитлари		1 151 258,10
23 Таъсисчиларга бўлган қарзлар		-
24 Бошқа кредиторлик қарзлари		229 135,90
Баланс:	38 601 475,20	38 601 475,20

2019 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

№	Кўрсаткичлар номи	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)
1	Тўғридан-тўғри сугурта қилиш ва биргаликда сугурта қилиш бўйича (биргаликда сугурта қилиш шартномасида сугурталовчининг белгиланган улуши қисмида) сугурта мувофотлари	40 017 689,40	
2	Қайта сугурта қилишга берилган шартномалар бўйича сугурта мувофотлари		4 416 000,70
3	Техник сугурта захираларининг ўзгариш натижаси		5 736 124,00
4	Қайта сугурта бўйича комиссия мувофотлар, тангъемалар ва йнгимлар бўйича даромадлар	0,00	
5	Сугурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум	29 865 564,70	
6	Кўрсатилган сугурта хизматларининг таннари		16 907 464,50
7	Давр харажатлари		12 032 484,80
8	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	110 736,60	
9	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	45 493,90	
10	Фойзалар кўринишидаги даромадлар	2 156 791,30	
11	Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар		
12	Валюта курси фарқларидан даромадлар	139 531,50	
13	Молиявий фаолият бўйича харажатлар		175 622,80
14	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	3 202 545,90	
15	Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар		498 567,50
16	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	2 703 978,40	

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «БУХГАЛТЕР-АУДИТ» МЧЖ аудиторлик таш-килоти томонидан тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 25 февралдаги 00035-сон лицензияси).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМА:

Жисмоний шахсга қўшимча тўловлар

? Корхонада ходим фуқаролик-хуқуқий шартнома бўйича ишлайди. Ходим томонидан ишларни бажарилиши уяли алоқа ва жамоат транспорти учун йўл карточкаси каби ресурслардан фойдаланиш заруратини назарда тутади.

Корхона ушбу ходимга компания ҳисобидан сим-карта берилиши ва уяли алоқа хизмати ҳақини тўлаши, шунингдек унинг учун йўл карточкасини сотиб олиши мумкин?

– Ҳа, мумкин. ФХШ бўйича ишлайдиган шахсларга ишларни (хизматларни) бажарганлик учун хўжалик шартномасида қайд этилган ҳақ (келишилган сумма) тўланади. Бунда тўлов миқдори томонларнинг келишувига кўра белгиланади (ФК 356-м.). Уяли алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек жамоат транспортига йўл карточкасини харид қилиш тарзидаги қўшимча тўловлар шартномада кўрсатилган бўлса, улар ижро этувчига бериладиган ҳақнинг бир қисми сифатида қаралади.

Даромад иккала тараф томонидан имзоланган, бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан тасдиқланган ишларнинг аниқ натижалари бўйича тўланади.

Предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган ФХШга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар мустасно) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига қиради (СК 371-м. 2-қ.). Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ЖШДС, ШЖБПХ ва ижтимоий солиқ солинади. Солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти даромад тўлайдиган солиқ агенти зиммасига юкланади (СК 387-м. 1-қ. 1-б.).



Норезидентнинг даромадларидан ижтимоий солиқ ставкаси

? Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган юридик фирма мустақил мутахассис – Италия фуқароси билан хизматлар кўрсатишга шартнома тузишни режалаштириятти. Хизматлар Италия ҳудудида кўрсатилади. Ишларни бажариш учун мутахассиснинг Ўзбекистонга келишига зарурат йўқ. Хизматлар Ўзбекистон резиденти ва Европа тараққиёт банки ўртасида тузилган шартнома доирасида кўрсатилади ҳамда 16.07.2018 йилдаги ПҚ-3857-сон қарорга мувофиқ норезидент жисмоний шахснинг даромадига ЖШДС бўйича имтиёз қўлланилади. Даромадига ЖШДС солинмайдиган норезидент жисмоний шахснинг хизматларига ижтимоий солиқ солинадими? Шундай бўлса, 2020 йил охиригача 1%лик ставкани қўллаш мумкинми?

– Мустақил мутахассис томонидан хизматлар кўрсатилиши учун корхона у билан ФХШни тузади. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш даврида ҳамда кафолатланган муддатда норезидент жисмоний шахсларнинг даромадлари ЖШДС тўлашдан озод этилади (16.07.2018 йилдаги ПҚ-3857-сон қарорнинг 4-банди). Норезидент жисмоний шахсга ФХШ ёки меҳнат шартномаси бўйича даромад тўлайдиган корхона учун ижтимоий солиқ бўйича имтиёз назарда тутилмаган. Шу жумладан тузилган ФХШ бўйича жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ижтимоий солиқ бўйича солиқ базаси ҳисобланади. Ижтимоий солиқ ставка-

си 12% миқдорда белгиланган (СК 405-м. 1-қ. 1-б.).

2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкасининг 12%дан 1%гача пайсантирилиши назарда тутилган, акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармоннинг 4-банди; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 7-банди, «б» қисми банди). Корхонангиз шундайлар жумласига қирадиган бўлса, кўрсатилган давр мобайнида, шу жумладан ФХШ бўйича норезидентга даромад тўлаш қисмида ижтимоий солиқнинг 1%лик ставкасини қўллаши мумкин.

НОРЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ДИВИДЕНДЛАРИДАН СОЛИҚ

? Корхона улгуриси савдо билан шуғулланади. РФ резиденти бўлган муассисга дивидендлар тўлашда 10%лик ставка бўйича солиқ ушлаб қолинади. Дивидендлар пул маблағлари ва товарлар билан тўланади.

РФ билан иккиёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисидаги халқаро шартнома нормалари жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан амал қиладими? Шундай ҳужжат мавжуд бўлса, норезидент муассис 10%лик солиқ ушлаб қолинмасдан дивидендларни олиши учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим?

– Ҳа, Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида даромад ва мол-мулкка иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги Битим (Москва, 2.03.1994 й., 27.07.1995 йилдан кучга кирган) нормалари РФ резиденти бўлган жисмоний шахсга дивидендларни тўлашга ҳам тааллуқлидир (Битимнинг 10-моддаси). Битимга мувофиқ дивидендларга Ўзбекистонда 10%дан ошмайдиган ставка бўйича ЖШДС солинади (Битимнинг 10-моддаси 1, 2-бандлари).

Ўзбекистонда РФ резидентларининг дивидендларига Битимда кўрсатилган ставкада (10%дан ортиқ бўлмаган) солиқ солиш учун муассис РФ резиденти эканлигини исботлаши шарт эмас. Сабаби ЎзР Солиқ кодексига мувофиқ норезидент жисмоний шахсларнинг

дивидендлар кўринишидаги даромадларига 10%лик ставка бўйича ЖШДС солинади (СК 382-м. 1-б.).

ЎзР СКга мувофиқ дивидендларга Ўзбекистон ҳудудида солиқ солинмайдиган бўлса, уларга Битимнинг 10-моддаси 1-бандига мувофиқ РФ ҳудудида солиқ солинган бўлар эди. Бироқ ЎзР СКда дивидендларга даромад тўлайдиган солиқ агентига солиқ солиниши назарда тутилганлиги боис корхонангиз РФ резиденти бўлган жисмоний шахснинг дивидендларига 10%лик ставка бўйича ЖШДС солиши шарт.

Кейинчалик иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш мақсадида ушбу даромадга солинган солиқ суммаси РФда мазкур жисмоний шахсдан ундириладиган солиқдан чегириб ташлаши лозим (Битимнинг 23-банди).

? Корхонада корпоратив пластик карта мавжуд.
1. КПКдан корхона ходимларининг ҳар кунлик овқатланишини ташкил этиш учун маҳсулотлар сотиб олиш мумкинми?
2. Бунда ходимлардан ЖШДС ушлаб қолинадими?
3. Маҳсулотлар сотиб олинган чекларнинг ўзи етарли бўладими ёки қандайдир ҳужжатларни расмийлаштириш лозимми?

КОРПОРАТИВ КАРТА: Фойдаланиш жиҳатлари

1 Ҳа, КПКдан корхона ходимларининг кунлик овқатланиши учун маҳсулотлар сотиб олиш мумкин.

2 Овқатланиш қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар таркибидаги компенсация тўловларига киритилади, уларга ЖШДС, ШЖБПХ ва ижтимоий солиқ солинади (СК 371-м. 1-қ., 373-м. 13-

б., 387-м. 1-қ. 1-б., 403, 404-м.; «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг 10-м.).

3 Корхона ўз ходимига КПК сакловчиси сифатида ваколат бериши мумкин, бунда у билан тўлик моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Корпоратив банк картаси сакловчиси ҳисобдорлик бўйича КПК олган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай юридик шахснинг бухгалтериясига КПКдан сарфланган маблағлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Ҳисоботга харид далилини тасдиқловчи ва унинг жиҳатларини (товар, хизматлар номи, миқдори, қиймати ва ҳ.к.) тавсифлайдиган чеклар, юкхатлар, ҳисобварақ-фактуралар илова қилинади (Низом 7, 9-б., АВ рақами 1470, 18.04.2005 й.).



Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

- товарлар (хизматлар)нинг қисқача номи;
 - ҳисобварақ-фактура асосида қилинган ўтказма.
- Шунда журнал бухгалтерия ҳисобининг тўлақонли регистри бўлади. Журналдаги қўшимча ахборот сизга ҳисобварақ-фактурани кўтармасдан, контрагент билан тезкор масалани ҳал қилишига ёрдам беради.

Журналда қандай маълумотларни акс эттиришни – сиз мақсадга мувофиқлиги, зарурлиги, ҳужжатлар билан ишлашга қулайлигидан келиб чиқиб ҳал қиласиз. Бунда Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомига (АВ рақами 1297, 14.01.2004 ў.) амал қилинг.

Албатта, ҳужжатлар журналда хронологик тартибда акс

эттирилиши керак. Уларнинг рақамланишини ўйлаб кўриш лозим. У мустақил, шартнома рақамига боғланган ёки лойиҳа, туркум, бўлима ва ҳоказоларни белгилловчи бошқа белгилардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш учун жавобгарликни тақсимлаш, рақамлаш тартиби, журнални шакллантиришни корхонанинг ҳужжатлар айланиши тизимида акс эттиринг ва тасдиқланг.

Бухгалтерия ҳисобининг электрон тизимларида ҳужжатлар журнали автоматик тарзда шакллантирилади. Уларни исталган пайтда сақлаб қўйиш ва чоп этиш мумкин. Журналнинг мазмуни мустақил равишда ёки мутахассисни жалб қилган ҳолда соланади.

Ҳисобварақ-фактуралар журнални юритиш мажбурийми



ҚҚС солиқ тўловчилари сотиб олинган ва реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар журнални (реестрларни) юритишлари шарт (489-сон Низом 9-б.).

Ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилиши боис (катта бўлмаган истисно билан), шу жумладан ҚҚС тўловчи бўлмаганлар томонидан, ҳисобварақ-фактуралар журналлари (реестрлари) автоматик тарзда электрон

тизимда шакллантирилади, унда упарнинг сақланиши ва ҳисоби таъминланади (Низом 10-б.). Уларни исталган пайтда файл шаклида Excel форматига сақлаб қўйиш ва чоп этиш мумкин.

Ҳисобварақ-фактуралар журналлари реестрлардан нимаси билан фарқланади

Реестр ҳам, журнал ҳам – бу ҳужжатлар, уларнинг рўйхати регистраторидир. Ушбу тушунчалар маъноси бўйича ўхшашдир.

Солиқ солиш мақсадларида ҳисобварақ-фактуралар электрон тизими томонидан шакллантириладиган журнал ва ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини жўнатиш чоғида шакллантириладиган реестрларни фарқлаш зарур:


- харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри (ҚҚС ҳисоб-китобида 4-шлова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 ў., 1-шлова);
- реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри (ҚҚС ҳисоб-китобида 5-шлова);
- воситачилик шартномаси асосида реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри (ҚҚС ҳисоб-китобида 6-шлова).

Мазмуни бўйича улар мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан – воситачилик шартномалари бўйича.

Комитентга тегишли товарлар реализациясини амалга оширувчи воситачи сотиб олувчиға ҳисобварақ-фактураларни тақдим этади ва уларни тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар журналида акс эттиради. Бунда ҳисобварақ-фактуралар воситачининг Сотиш реестрида рўйхатдан ўтказилмайди, сабаби унинг реализациясини эмас, балки комитентнинг реализациясини тасдиқлайди (489-сон Низом 21-б.). Ушбу ҳисобварақ-фактура бўйича ҚҚС суммаси воситачида ҳисобланмайди.

Комитентга товар сотиб олиш ва бериш чоғида шунга ўхшаш вазият юзага келади (489-сон Низом 25-б.).

Товарлар (хизматлар) сотувчисидан олинган, комитент учун мўлжалланган ҳисобварақ-фактуралар воситачида Олинган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида акс эттирилади. Бунда воситачи ушбу ҳисобварақ-фактураларни



Харидлар реестрида рўйхатдан ўтказмайди ва уларда ажратиб кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олмайди (489-сон Низом 26-б.).

Журналлардан фарқли ўлароқ ҳисобварақ-фактуралар реестрлари солиқ ҳисоботи таркибида белгиланган шаклга эга. Бироқ, агар сиз ҚҚС бўйича ҳисобот топширмасангиз, ҳисобварақ-фактура журнали ва реестри тушунчалари сиз учун бир маънога эга бўлади.

РЕКЛАМА



«КИЧИК ҚОРҲОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилдаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тағлимаржон кўч., 1А. Тел.: (71) 200-00-90
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



ЧЕГИРМАЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎҒРИ ҲИСОБГА ОЛИШ МУМКИН

Янги 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»да (АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.) ТМЗни ҳисобга олишнинг асосий нормалари, шунингдек уларни олишга ишончномаларни расмийлаштириш тартиби акс эттирилган. Бухгалтерлар, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчиларида ТМЗ харид қилинганда олинган чегирмалар тўғрисидаги 16-банд саволларни юзага келтирди. Хусусан, чегирмаларни, айниқса, 6-хатбошисига мувофиқ қулушли чегирмаларни (4-сон БҲМС 16-б. 6-хатбоши) қандай қилиб тўғри қўллаш ҳамда мол етказиб берувчи ва хариддорнинг ҳисобда акс эттириш мумкин?
бухгалтер.уз шу саволлар билан Молия вазирлигига мурожаат қилди ва қуйидаги батафсил тушунтиришни олди.

– «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, ҳужалик шартномаси етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, баҳосини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, шунингдек бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак. Шу муносабат билан хариддорга чегирмалар бериш шартлари шартнома билан белгиланади.

4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар» 16-бандига кўра,

МИСОЛ.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси «УУУ» МЧЖ билан «А» товарини харид қилиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, «А» товарининг бир бирлиги баҳоси 8 500 сўмни ташкил этади. Шартномада «А» товарининг муайян миқдори харид қилинганда чегирмалар беришнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатилган:

- 500 тадан – 1 000 та бирликкача – баҳосининг 3%;
- 1001 тадан – 2 000 та бирликкача – баҳосининг 5%;
- 2 000 та бирликдан ортққ – баҳосининг 7%.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси чегирма бериш шартларидан фойдаланиб, «А» товарининг 1 000 та бирлигини харид қилади. Яъни қуйидаги суммага 8 245 000 сўм $(8\ 500 \times 1\ 000) \times (100 - 3) / 100$ ёки чегирма ҳисобга олинмаганда товар қиймати: $8\ 500 \times 1\ 000$ бирл. = 8 500 000 сўм; чегирма суммаси: $8\ 500\ 000 \times 3\% = 255\ 000$ сўм; чегирма ҳисобга олинганда товар қиймати: $8\ 500\ 000 - 255\ 000 = 8\ 245\ 000$ сўм).

Олинган чегирмани ҳисобга олган ҳолда товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича мазкур операция бухгалтерия ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Материалларни ҳисобга олувчи счёт (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёт (2900) дебети – 8 245 000 сўмлик суммага.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (6000) кредити – 8 245 000 сўмлик суммага.

Ёки (товарларни харид қилиш бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларида чегирма суммаси ажратиб кўрсатилган бўлса): материалларни ҳисобга олувчи счёт (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёт (2900) дебети – 8 500 000 сўмлик суммага.

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (6000) кредити – 8 500 000 сўмлик суммага;
- бир вақтнинг ўзига, чегирма суммасига;
- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (6000) дебети – 255 000 сўмлик чегирма суммасига;
- материалларни ҳисобга олувчи счёт (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёт (2900) кредити – 255 000 сўмлик чегирма суммасига;

б) товар-моддий захиралар олинган (қабул қилинган) сандан сўнг уларни харид қилиш бўйича шартнома шартларини бажариш натижасида юзага келган (олинган) чегирмалар

ташкilotнинг молиявий натижаларига олиб борилади ва шартнома товар-моддий захиралар қийматини камайтирмайди.

МИСОЛ.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси «УУУ» МЧЖ билан «А» товарини харид қилиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, «А» товарининг бир бирлиги баҳоси 8 500 сўмни ташкил этади. Шартномада чегирма беришнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатилган:

- товар етказиб берилганидан кейин 15 кун ичида ҳақи тўланганда – етказиб бериш қийматининг 3%;
- товар етказиб берилганидан кейин 10 кун ичида ҳақи тўланганда – етказиб бериш қийматининг 4%;
- товар етказиб берилганидан кейин 5 кун ичида ҳақи тўланганда – етказиб бериш қийматининг 5%.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси 8 500 000 сўмлик (1 000 бирл. \times 8 500 сўм) суммадаги 1 000 та товар бирлигини харид қилди, товар-моддий захираларни олиш (қабул қилиш) пайтида ҳақи қанон тўланиши номълум, сабаби шартномага кўра етказиб берилган товар учун тўлов 60 кун ичида амалга оширилиши лозим.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича мазкур операция бухгалтерия ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Материалларни ҳисобга олувчи счёти (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёти (2900) дебети — 8 500 000 сўмлик суммага.

Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёти (6000) кредити — 8 500 000 сўмлик суммага.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси чегирма бериш шартларидан фойдаланишига қарор қилди ва товар ётказиб берилганидан кейин 12 кун ўтгач ҳақини тўлади. Шу тариқа, «ХХХ» МЧЖ 3% чегирма олади, сабаби чегирма шартни амал қилган даврда ҳақини тўлашга улгурди. Бу ҳолда чегирма суммаси 255 000 сўми (8 500 000 х 3% = 255 000 сўм) ташкил этади.

Чегирма шартлари бажарилганини ҳисобга олган ҳолда ётказиб берилган товар учун тўлов бухгалтерия ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёти (6000) дебети — 8 500 000 сўмлик суммага.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счёти (5100) кредити — 8 245 000 сўмлик суммага.

9390-«Бошқа операциялар» счёти кредити — 255 000 сўмлик суммага;

в) қўшимча товар-моддий захиралар натурал чегирма сифатида бепул олинганда, тасдиқловчи билламчи ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлганда, сотиб олинган товар-моддий захиралар қиймати барча олинган товар-моддий захиралар

миқдорига (бепул олинган товар-моддий захираларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) тақсимлаш орқали уларнинг таннархи аниқланади.

МИСОЛ.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси «УУУ» МЧЖ билан «А» товарини харид қилиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, «А» товарининг бир бирлиги баҳоси 8 500 сўми ташкил этади. Шартномада «А» товарининг муайян миқдорларига натурал ҳолида чегирмалар (натурал чегирма) беришнинг қуйидаги шартлари ҳам кўрсатилган:

- 500 тадан — 1 000 та бирликкача — натурал чегирма сифатида қўшимча равишда бепул 50 та бирлик;
- 1001 тадан — 2 000 та бирликкача — натурал чегирма сифатида қўшимча равишда бепул 100 та бирлик;
- 2 000 та бирликдан ортиқ — натурал чегирма сифатида қўшимча равишда бепул 150 та бирлик.

«ХХХ» МЧЖ савдо корхонаси чегирма бериш шартларидан фойдаланиб, 1 000 та бирлик харид қилди ва харид қилиш пайтида натурал чегирма сифатида «А» товарининг қўшимча 50 та бирлигини бепул олди.

Шу тариқа, «А» товарининг бир бирлиги қиймати натурал чегирма кўринишида қўшимча равишда бепул олинган товарларни ҳисобга олганда 8 095,24 сўми (8 500 000 / (1 000 + 50)) ташкил этади.

Натурал чегирмани ҳисобга олган ҳолда товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича мазкур операция бухгалтерия ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

материалларни ҳисобга олувчи счёти (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёти (2900) дебети — 8 500 000 сўмлик суммага (1 050 та товар бирлиги ҳар бир товар бирлиги учун 8 095,24 сўмлик таннарх бўйича).

Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёти (6000) кредити — 8 500 000 сўмлик суммага.

Бунда аналитик ҳисобда «А» товарининг 1 050 та бирлиги акс эттирилади, ҳар бир товар бирлиги таннархи 8 095,24 сўми ташкил этади;

г) аввал ётказиб берилган товар-моддий захиралар ҳисобидан қўшимча товар-моддий захиралар натурал чегирма сифатида бепул олинганда, 4-сон БҲМСнинг 16-бандида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган қўшимча олинган товар-моддий захиралар таннархи ҳисобот даврининг молиявий натижаларига олиб борилади.

Агарда товар-моддий захираларни сотиб олиш пайтида аввалги харид қилинган товар-моддий захираларни ҳисоб-

га олган ҳолда қўшимча товар-моддий захиралар натурал чегирма сифатида бепул олинганда, аввал харид қилинган ва охирига харид қилинган товар-моддий захираларга тўғри келадиган қўшимча бепул олинган товар-моддий захиралар улушлари аниқланади. Бунда охирига харид қилинган товар-моддий захиралар қиймати уларга тўғри келадиган қўшимча бепул олинган товар-моддий захиралар улушини ҳисобга олган ҳолда кириб қилинади.

МИСОЛ.

«ABS» МЧЖ корхонаси 15.03.2020 йилда «XYZ» МЧЖ билан «В» товарини харид қилиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, «В» товар бирлигининг баҳоси 25 000 сўми ташкил этади. Шартноманинг махсус шартларига кўра, харидор бир йил давомида жами 1 200 та бирликдан ортиқ «В» товарини харид қилса, сотувчи натурал чегирма сифатида «В» товарининг 50 та бирлигини қўшимча равишда бепул беради.

«ABS» МЧЖ корхонаси 16.05.2020 йилда товарини 1 000 та бирлигини ва 10.08.2020 йилда яна товарини 400 та бирлигини харид қилди, натижада «XYZ» МЧЖ чегирма сифатида «В» товарининг 50 та бирлигини қўшимча равишда бепул берди (сабаби «ABS» МЧЖ «В» товарининг жами 1 400 та бирлигини харид қилди).

• Харид қилинган товарлар ҳар бир туркумининг улуши аниқланади:

- 1) харид қилинган товарлар жами миқдоридан аввалги (16.05.2020 й.) харид қилинган товарлар туркумининг улуши 71,4% га тенг (1 000 / 1 400 х 100%);
- 2) товарлар умумий миқдоридан охирига (10.08.2020 й.) харид қилинган товарлар туркумининг улуши 28,6% га тенг (400 / 1 400 х 100%).

• Чегирма сифатида бепул олинган товарлар миқдори уларнинг улушидан келиб чиққан ҳолда аввалги ва охирига харид қилинган товарлар туркумига тақсимланади:

- 1) аввалги харид қилинган товарлар туркумининг улушига (16.05.2020 й.) тўғри келадиган, бепул олинган товарлар миқдори 71,4% х 50 = 36 бирлик;
- 2) охирига харид қилинган товарлар туркумининг улушига (10.08.2020 й.) тўғри келадиган, бепул олинган товарлар миқдори 28,6% х 50 = 14 бирлик.

Охирига харид қилинган товарлар туркумига тўғри келадиган, бепул олинган товарлар улушини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган охирига товар туркуми бир бирлигининг таннархи 24 155 сўми (25 000 х 400) / (400 + 14) ташкил этади.

Аввалги туркумга тўғри келадиган, уларнинг улушидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган, бепул олинган товарларнинг 36 та бирлиги қиймати 868 725 сўмни (25 000 × 1 000 / (1 000 + 36) × 36) ташкил этади, у ҳисобот даврининг молиявий натижаларига олиб борилади.

Натурал чегирма сифатида бепул олинган товарларни ҳисобга олган ҳолда товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича юқорида кўрсатилган операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

а) 16.05.2020 йилда товарларнинг аввалги туркуми харид қилинганда (1 000 та товар бирлиги 25 000 сўмлик баҳода):

- материалларни ҳисобга олувчи счёти (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёти (2900) дебети – 25 000 000 сўмлик суммага.

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёти (6000) кредити – 25 000 000 сўмлик суммага;

б) 10.08.2020 йилда товарларнинг охири туркуми харид қилинганда (10 000 000 сўмлик суммадаги (400 + 14) та товар бирлиги ва 868 725 сўмлик суммадаги 36 та товар бирлиги кирим қилинади):

- Материалларни ҳисобга олувчи счёти (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счёти (2900) дебети – 10 868 725 сўмлик суммага (10 000 000 + 868 725);

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёти (6000) кредити – 10 000 000 сўмлик суммага;

- 9390-«Бошқа операцион даромадлар» счёти кредити – 868 725 сўмлик суммага.

Шу тариқа, хариддорнинг бухгалтерия ҳисобида чегирмаларни акс эттириш учун шартнома шартларига кўра чегирма берилишини қайд этувчи тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиш зарур. Сабаби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига ҳамда Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга (АВ рақами 1297, 14.01.2004 й.) мувофиқ, корхоналар томонидан амалга ошириладиган барча ҳўжалик операцияларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак, улар асосида бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Сотувчида чегирмаларнинг бухгалтерия ҳисоби 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик

фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (АВ рақами 1181, 23.10.2002 й.) 379-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади. 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счёти шартнома шартларига кўра берилган сотишдан чегирмаларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) билан ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби белгиланган.

КИМЛАР ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАР ҲИСОБИ ЖУРНАЛИНИ ЮРИТАДИ

Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низом (14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚ билан тасдиқланган) чиққандан кейин бухгалтерларда саволлар туғилди: Ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журнали нима учун керак, у қандай маълумотларни ўз ичига олиши керак? Уни расмийлаштириш чоғида нималарга эътибор бериш лозим?

Вазиятни «Нотга» компаниясининг етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА тушунтирди.

Ҳисобварақ-фактура – кўп функционалли ҳужжат, у:

- товарлар (хизматлар) ҳақиқатда етказиб берилганлигини тасдиқлайди;

- битим тарафлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга таъсир кўрсатади;

- корхона даромадлари ва харажатлари ҳисоби учун асос бўлади;

- ҚҚС ҳисоблаш ва ҳисобга олиш, акциз солиғи ҳисоблаш имконини беради.

Ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журнали ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш ва уларни ҳисобда акс эттиришга ёрдам беради, бинобарин – тушум (айланмалар)ни ёки харажатларни камайтириш, солиқларни нотўғри ҳисоблаш ва бошланғич ҳужжатларни йўқотиш билан боғлиқ бошқа муаммоларни истисно этади.

Журнал, айниқса, катта ҳужжат айланишига эга корхоналар учун зарур. У керакли ҳужжатни тез топишга ёрдам беради, аудиторлар ва бошқа текширувчилар ишини жиддий равишда осонлаштиради.

Журнал юқорида санаб ўтилган функцияларни самарали бажариши учун ҳисобварақ-фактураларнинг қайси маълумотларини сиз унда акс эттиришингиз зарурлиги ҳақида ўйланг.

Одатда бу:

- ҳужжатнинг рақами ва санаси;

- шартноманинг рақами ва санаси;

- сотиб олувчи ёки сотувчининг маълумотлари (СТИР, номи);



- ҚҚСсиз сумма;

- ҚҚС суммаси;

- ҚҚС билан сумма.

Зарурат бўлса, журналнинг мазмунини кенгайтириш мумкин. Масалан, қуйидагиларни қўшиш мумкин:

- ҳисобварақ-фактуранинг тури (асосий, қўшимча, тузатиш);

- қўшимча киритилган ҳужжатнинг рақами ва санаси;

III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

1-ВАЗИЯТ

Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-сентябрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

7 600 000 x 12% = 912 000 сўмга тенг.

Январь-август ойларида 810 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (912 000 – 810 000) тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 7 600 сўмни (7 600 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-август ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 6 750 сўмни, август ойида эса 850 сўмни (7 600 – 6 750) ташкил этган.

Сентябрь ойи учун бюджетга 101 150 сўм (102 000 – 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 – 102 000) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-сентябрь ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги УРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидagi шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги бос, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.



2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда:

□ жисмоний шахслар кўчмас мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан солиқ тўлашдан озод этилади;
□ солиқ солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун энг кам ижара тўловини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди).

Сентябрь ойи учун ижара тўловидан ЖШДС тўланмайди.

Январь-сентябрь ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

10 700 000 x 12% = 1 284 000 сўм.

Январь-август ойларида 1 140 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (1 284 000 – 1 140 000) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 10 700 сўмни (10 700 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-август ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 9 500 сўмни, сентябрь ойи учун 1 200 (10 700 – 9 500) ташкил этади.

Сентябрь ойи учун бюджетга 142 800 сўм солиқ (144 000 – 1 200) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 556 000 сўм иш ҳақи (1 200 000 + 1 500 000 – 144 000) тўланади.

Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз **Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.



2020 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ*

Сентябрь ойида иш соатлари сон:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 167;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 166;

36 соатлик иш ҳафтасида – 149.

Иш кунлари сон:

5 кунлик иш ҳафтасида – 21;

6 кунлик иш ҳафтасида – 25.

- **Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади** (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- **2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИҲ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори (МҲЭКМ) жорий этилди. 2020 йил январь ойида МҲЭКМ 634 880 сўмни** (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), **1 февралдан – 679 330 сўмни** (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- **2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади** (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- **Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади** (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

*Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.
Январь-сентябрь ойларида жами даромади – 10 460 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 8).*

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

$10\,460\,000 \times 12\% = 1\,255\,200$ сўмга тенг.

Январь-август ойларида 1 114 800 сўм ушлаб қўлинган. Сентябрь ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (1 255 200 – 1 114 800) тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 10 460 сўмни (10 460 000 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга 9 290 сўм ўтказилган, сентябрь ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (10 460 – 9 290) ташкил этади.

Сентябрь ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

**Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонида, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонида, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сонида, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сонида, май ойи учун 26.05.2020 йилдаги 21 (1345)-сонида, июнь ойи учун 23.06.2020 йилдаги 25 (1349)-сонида, июль ойи учун 21.07.2020 йилдаги 26 (1353)-сонида, август ойи учун 18.08.2020 йилдаги 33 (1357)-сонида чоп этилган.*

II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

1-ВАЗИЯТ

Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-сентябрь ойлари учун жами даромад – 17 160 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000 x 8).

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

17 160 000 – (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 8) = 8 601 976,8 сўмга тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

8 601 976,8 x 12% = 1 032 237,22 сўм.

Январь-август ойларида 916 779,85 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойи учун солиқ суммаси 115 457,37 сўмга (1 032 237,22 – 916 779,85) тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 8 601,98 сўмни (8 601 976,8 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-август ойларида ШЖБПҲга 7 639,83 сўм ўтказилган, сентябрь ойи учун ажратмалар 962,15 сўмни (8 601,98 – 7 639,83) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,22 сўм (115 457,37 – 962,15) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,63 сўм (1 920 000 – 115 457,37) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-сентябрь ойлари учун жами даромад – 7 600 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-сентябрь ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

(634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 8) = 8 558 023,2 сўм.

Ходимнинг даромади (7 600 000 сўм) имтиёз суммасидан (8 558 023,2 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-сентябрь ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

3-ВАЗИЯТ

Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

□ Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатта ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (2-банд).

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм.

Моддий ёрдам суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди.

Тегининча, солиқ солинадиган даромад 13 400 000 сўмга (1 400 000 + (1 500 000 x 8)) тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун солиқ 1 608 000 сўми (13 400 000 x 12%) ташкил этади.
Январь-август ойларида 1 428 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойида солиқ суммаси 180 000 сўми (1 608 000 – 1 428 000) ташкил этади.
ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 13 400 сўми (13 400 000 x 0,1%) ташкил этади.
Январь-август ойларида ШЖБПҲга ажратмалар 11 900 сўми, сентябрь ойида 1 500 сўми (13 400 – 11 900) ташкил этади.
Сентябрь ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.
Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

4-ВАЗИЯТ

Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик маиший техника совға қилинган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 14 960 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + 1 600 000 x 8) тенг.

Январь-сентябрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

14 960 403,2 x 12% = 1 795 248,38 сўм.

Январь-август ойларида 1 603 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойида солиқ суммаси 192 000 сўми (1 795 248,38 – 1 603 248,38) ташкил этади.

Январь-сентябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 14 960,4 сўмга (14 960 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-август ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 13 360,4 сўми, сентябрь ойида 1 600 сўми (14 960,4 – 13 360,4) ташкил этди.

Сентябрь ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



5-ВАЗИЯТ

Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-сентябрь ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтмиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Қуйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 8) = 8 558 023,2 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда ушбу миқдор МҲЭКМнинг 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилган (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу боис жами ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз қўлланилади.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

14 300 000 – 8 558 023,2 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 6 402 380 сўм.

Январь-сентябрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

6 402 380 x 12% = 769 285,6 сўм.

Январь-август ойларида 691 228,24 сўм солиқ ушлаб қолинган. Сентябрь ойида солиқ суммаси 77 057,36 сўми (769 285,6 – 691 228,24) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 6 402,38 сўми (6 402 380 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-август ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 5 760,24 сўми, сентябрь ойида 642,14 сўми (6 402,38 – 5 760,24) ташкил этади.

Бюджетга 76 415,22 сўм (77 057,36 – 642,14) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 522 942,64 сўм (1 600 000 – 77 057,36) олади.

ДИККАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига



ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертамайдан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

- 1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;
- 2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;
- 3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларида бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари



ри бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва ресторанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Нормальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Roytaxt» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд қунлари билан қўлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

Кўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
 11. Тахририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой яқини бўйича Обуначига электрон хисобаварак-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон хисобаварак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаши шарт.
 12. Акцепт муддати 2020 йил 25 декабрдан қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади. Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.
 13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
 14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдидан жавобгар бўлмайди.
 15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдидан қўра олманган, оқилона чоралар билан олдидан ололмаган ҳақиқатда тўғри вақтда воқеалар натижасида енгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошлангани оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.
 16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунли мобайнида хабардор қилишлари керак.
 17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан тарафнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишмовчиликлар эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал этилади.
 18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – 2020 йил 25 декабрдан.
 19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Тақлимаржон кўч., 1/1
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,
Навоий кўч., 22
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкда МФО 00842
СТИР 305504530, ИФУТ 58130
КҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:
326010039431.
Тел./факс (371) 147-11-72.
 - Фарҳод ҚУРБОНБОВ,
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»
МЧЖ директори.
1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истикомаат қиладиган), қуйида таклиф қилинган шартларни тўғри қўлашга (ўзи танланган нашрларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.
 2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманомана-акцепт (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақда Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устувлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, ovina@norma.uz электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
 3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обунани қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.
 4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептти олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобнама ва кучга қилган ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қалар амал қилади.
 5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрдан кечикмасдан тўлаши шарт.
 6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдидан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.
 7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
 8. Тахририят почта бўлимига орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни навабдаги сон чиқоши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.
 9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида у тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА – ТАНЛОВСИЗ

Энди божхоначиларнинг фарзандлари тавсиянома билан ОТМга грант асосида танловсиз кириши мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Лойиҳага кўра, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

- хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган, контузия, шикаст олган ёки касалликларга дучор бўлган божхона органлари ходимларининг фарзандлари ЎзР ДБҚ раисининг тавсияномаси асосида белгиланган қабул кўрсаткичларидан ташқари давлат гранти асосида Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриятига (иккинчи таълимдан ташқари) танловсиз қабул қилинадилар;

- хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган, контузия, шикаст олган ёки касалликларга дучор бўлган божхона органлари ходимларининг фарзандлари республика Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Давлат

божхона кўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига қабул квоталаридан ташқари дастлабки ва касбий (харбий-профессионал) танлов натижалари, шунингдек ДБҚ раисининг тақдимномаси асосида қабул қилинадилар.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ДБҚ раисига тўлов-шартнома (оширилган тўлов-шартнома ставкаси бундан мустасно) асосида олий таълим муассасалари бакалавриятига (иккинчи таълимдан ташқари) ўқишга мазкур қарор қабул қилингунга қадар кирган, шунингдек, ўқиш давомида ушбу ҳолатларда ота-онасини йўқотган тақдирда:

- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган божхона органлари ходимларининг фарзандларига шартномаларнинг тўлиқ ҳажми;
- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган, контузия, шикаст олган ёки касалликларга дучор бўлган божхона органлари ходимла-

рининг фарзандларига – шартномаларнинг 50 фоизи миқдори ДБҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, амалиётга илғор ахборот технологияларини жорий этиш, контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамда божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган, хизмат, илмий ёки педагогик фаолиятда юқори натижаларга эришган божхона органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига:

- олий таълим муассасаларига белгиланган давлат гранти асосида қабул кўрсаткичларининг уч фоизи миқдорида давлат гранти асосидаги қўшимча қабул кўрсаткичлари ажратилади;
- харбий таълим муассасаларига кириш учун курсантлар (ўқувчилар) ни қабул қилишнинг умумий сонидан икки фоизли квота ажратилади.

Давлат божхона хизмати органла-



ри ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда харбий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланади.

Лойиҳада келтирилишича, ходимларнинг фарзандларини ажратилган 3 фоизли квоталар доирасида олий таълим муассасаларига қабул қилиш ДБҚ раисининг тавсияномаси бўйича танлов асосида амалга оширилади ҳамда ўринлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, абитуриент кириш имтиҳонларининг энг юқори балидан камида 30 фоизини тўлаган тақдирда, кетма-кетлик тартибидан тақсимланади.

ЎЗА асосида.

БҲЮРГМАНОМА-АКЦЕПТ

«Норма Давлати Назарлати» МҲЖ оммавий офертасига ИЛОВА

2020 йил «...»

1. (Обуштининг тасвир ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўзинича танловномасида мувофиқ таъинлаш ҳуқуқи шакли бўлмаган бўлиб, номи) АСОСИДА АМАЛ ҚИЛУВЧИ

(ҳужжат (таълим шартномаси, ушбу, низом ва б. шунга)нинг)

(Обуштининг давлатли вақтинчалик Ф.И.Ш. (таъин)нинг таъини)

ТИМСОЛИДА,

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 22 сентябрдаги 38 (1362)-сонидан эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилди ҳамда 2021 йил учун қуйидаги наشرларга обува бўлади:

Индекс	Наширнинг номи	2021 йил учун обува нархи (таълим кунидан МҲҲЖМ)да	Бусхона миқдори (донн)	Умумий сўм (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маъмурчилиги» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
197	«Норма маъмурчилиги» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		
172	«Надговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
165	«Надговые и таможенные вести» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сўмма ҚҚС билан _____

сўмни таъкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб таъкил қилинади): _____

(қўққлар ва ёзу билан қўққилинади)

_____	_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------	-------

Почта индекс

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман _____

Мўлжал _____

(шарҳ, бўжастик, қилмоқ, кўча, маъра, уй, кв., хона)

4. Бўжастик учун телефон: _____

5. Алоқа бўжастик шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

Обуштининг реқвизитлари:

СТИР _____

ИФҮТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Ҳ/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк коди _____

(вақтинчалик маълумотлар шаклида қилиб, таъин, қилинади,

исми ва отаси исми билан қилинади)

М.У.

КИОТО КОНВЕНЦИЯСИ БОЖХОНА СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1-бетда

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислох этиши ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган. Фармон билан тасдиқланган 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислох қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясида божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида Божхона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги қайта кўриб чиқилган Киото конвенциясига кўшилиш зарурлиги кайд этилган.

Лойиҳа ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан қизгин кутиб олинди ва улар томонидан ижобий фикрлар билдирилган.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган мазкур Конвенциянинг янги тахрири 2006 йил 3 февралда қучга кирган.

Халқаро ҳужжатнинг 8-моддасига асосан мазкур халқаро шартнома давлатларнинг кўшилиши учун очик ҳисобланади. Конвенция тўзилиши бўйича 3 қисмдан ташкил топган бўлиб, Асосий матн, Бош илова ва Махсус иловаларни ўз ичига олади.

Киото конвенцияси қоидалари Жаҳон савдо ташкилоти – Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишувнинг (1994) божхона қоидалари ва тамойилларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Жумладан, Конвенцияда Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишувнинг V моддаси «Транзит эркинлиги», VIII моддаси «Тўловлар ва расмийликлар» ва шу каби бошқа моддаларида божхона қонунчилиги меъёрлари акс эттирилган.

Конвенцияга кўшилмоқчи бўлган ахдлашувчи давлатлар унинг мажбурий характердаги Асосий матни ва Бош иловасини қабул қилишлари керак.

Махсус иловаларни қабул қилиш ахдлашувчи томон учун мажбурий ҳисобланмайди. Ахдлашувчи томон Махсус иловаларнинг ихтиёрий бирини ёки унинг бобларини қабул қилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Жаҳон божхона ташкилотига аъзо 183 давлатдан 122 таси, шунингдек МДҲга аъзо 7 давлат (Озарбайжон (2006 й.), Арманистон (2013 й.), Беларусь (2011 й.), Қозғистон (2009 й.), Россия (2011 й.), Тожикистон (2020 й.) ва Украина (2011 й.)) мазкур Конвенцияга кўшилган.

Киото конвенцияси қоидалари, бир томондан, божхона таомилларини соддалаштириш ҳамда тезлаштириш орқали ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, бошқа томондан, мазкур имтиёзлар давлатларнинг манфаатларига (давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдирish ва ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича) зарар етказмаслигига йўналтирилган.

Конвенция унга аъзо давлатларга, ўзларининг миллий қонунчилигида божхона расмийлаштируви жараёнларини содда, тушунарли ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган

қоидалар асосида шакллантириш мажбуриятини юклайди.

Киото конвенцияси қоидалари тўғридан-тўғри мажбурият юклайдиган ҳуқуқий меъёрлар шаклида эмас, балки тавсиявий характердаги стандартлар шаклида ишлаб чиқилган.

Киото конвенцияси қоидалари ахдлашувчи томонга ўзининг миллий қонунчилигини Киото конвенцияси стандартларига мувофиқлаштириш учун етарлича муддат тақдим этади. Конвенция ахдлашувчи давлат учун белгиланган тегишли таомиллар бажарилгандан сўнг 3 ой муддат ўтгач қучга киради. Шундан сўнг ахдлашувчи томон 36 ойлик (3 йил) муддатда Конвенциянинг стандарт қоидаларини ва 60 ойлик (5 йил) муддатда ўтиш даври белгиланган стандарт қоидаларини имплементация қилиши керак.

Киото конвенциясига асосан божхона қонунчилигини соддалаштириш ва уйғунлаштиришга қуйидагилар воситасида эришилади:

- божхона органлари фаолиятининг шаффофлиги ва олдиндан башорат қилиш мумкинлигини таъминлаш;
- товарларни декларациялаш тартиб-таомилларини ҳамда қузатув ҳужжатларини соддалаштириш ва тизимлаштириш;
- ваколатли субъектлар учун божхона таомилларини соддалаштириш;
- божхона органлари фаолиятида ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланишни таъминлаш;
- қоидалар ва регламентларни бажаришни таъминлаш мақсадида божхона назоратини минималлаштириш;
- божхона назоратини амалга оширишда хавфларни бошқариш тизимини қўллаш ва аудит асосида назоратни амалга ошириш;
- чегарадаги бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликда тадбирларни амалга ошириш;
- ташқи савдо фаолияти иштирокчилари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Киото конвенциясига кўшилиши натижасида:

- яқин уч йилда миллий божхона қонунчилигини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари белгиланган;
- миллий иқтисодий тизимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шартшароитлар яратилади, чунки Ўзбекистон Республикаси божхона маъмурияти фаолиятининг Киото конвенцияси қоидаларига мувофиқлиги хорижий инвесторлар учун ишонч, барқарорлик, аниқлик ва ошқораликни таъминлайди;
- Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Doing business» ва транспорт ҳамда логистика хизматлари бўйича баҳоловчи индексларида (LPI) Ўзбекистон Республикасининг рейтингини оширишга хизмат қилади;
- Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига кўшилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шукрулла МЎМИНОВ,

Давлат божхона қўмитасининг
Божхона маъмуриятчилигининг илгор
ва инновацион усулларини жорий этиши
бошқармаси бош инспектори.

✓ ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор вакилларига ишлаш учун энг қулай шароитларни яратиш айтилган бугунги кунда долзарб бўлиб қолди. Республикада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга ўз вақтида етказиш борасида Сирдарё вилояти божхона бошқармаси томонидан бир қатор чоралар кўрилмоқда.

ТАДБИРКОР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Хусусан, бошқарма ходимларининг вилоят ҳудудидаги тадбиркорлар билан доимий учрашувларида божхона соҳасидаги янгиликлар тушунтирилмоқда, мавжуд муаммолар жойларнинг ўзида ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.



Вилоят божхона бошқармасининг соҳавий бўлимлари ва «Ховос» ТИФ божхона пости ходимлари билан ҳамкорликда вилоят ҳудудида иссиқхоналарда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни экспорт қилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхоналардан бўлган «Sirdaryo Agro Cluster» МЧЖ раҳбари ва масъул ходимлари билан учрашув ўтказилди. Унда божхона органлари корхона томонидан тузилган шартнома доирасида жорий йил август ойда Хитой давлатидан 8 та контейнерда олиб келинган «Китайская солнечная теплица» товарларини 100 та ЯТТ номига алоҳида БЮД расмийлаштириш бўйича корхонанинг мурожаати ижобий ҳал қилинди.

Маълумот ўрнида: Ховос туманида «Ҳар бир оила тадбиркор» давлат дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ушбу шартнома бўйича келгусида жами 10 гектар майдонда 100 та оиланинг ҳар бирига 10 сотихли майдонга иссиқхона барпо этиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, ТИФ қатнашчиларида божхона расмийлаштируви бўйича юзага келган муаммолар масалаларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги ишлар бошқармада тизимли йўлга қўйилган ва ижроси қатъий назоратга олинган.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



КОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

«ОҚ КЎПРИК» ДАН ҚОРА НИЯТ БИЛАН...

Тадбиркорларга ҳалол бизнес билан шуғулланиш учун қўллаб-қувватлаш яратилмоқда. Лекин бу энгилликларни «четлаб ўтиб», ўзи учун оғир йўлни тапплаётганлар ҳам йўқ эмас.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Чукурсой техник идора» темир йўл чегара божхона постининг «Оқ кўприк» чегара божхона пунктида Ўзбекистондан Қозғистон Республикасига чиқиб кетиш учун ҳаракатланган темир йўл состави божхона кўздан кечирувидан ўтказилганда натура варағи ва маълумотлар тизимида кўрсатилмаган цистерна вагонидан оғирлиги 57,7 тонна бўлган тахминий қиймати 577 млн сўмлик «Масло И-50А» товари борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

✓ МУТАХАССИС ШАРХЛАЙДИ

ҚАНЧАГАЧА РУХСАТ БОР?

Нақд валюта маблағларини Ўзбекистон божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқишнинг янги қоидалари белгиланди

Мамлакатимизнинг кўшни давлатлар билан ўзаро ташқи иқтисодий алоқаларни йилдан-йилга мустаҳкамлаб бориши божхона соҳасига оид ислохотларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, валюта операциялари ва валюта назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахсларга бир қатор қулайликлар яратилишига сабаб бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 472-сон қарори билан Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиш қоидаларининг тасдиқланиши фикримизга далил бўла олади.

Мазкур Қоидаларга кўра жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган ва олиб чиқиш кетиладиган 70 млн сўм эквивалентдан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағлари йўловчи божхона декларацияси-

ни тўлдириш ва божхона органи ходимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади. Йўловчи божхона декларациясида олиб кириладиган ёки олиб чиқиш кетиладиган маблағларнинг жами суммаси кўрсатилади. Жисмоний шахснинг хоҳишига кўра эквиваленти 70 млн сўмга тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд валюта маблағлари ҳам декларация қилиниши мумкин.

Нақд валюта маблағларини олиб кириш

Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда, нақд валюта маблағларини қекланмаган миқдорда олиб киришлари мумкин.

Нақд валютани олиб чиқиш кетиш

Жисмоний шахслар эквиваленти 100 млн сўмга тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд валю-

та маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига божхона назорати қоидаларига риоя этилган ҳолда чекловларсиз олиб чиқишлари мумкин.

Фақат куйидаги шахслар кўрсатилган суммадан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини республика ташқарисига олиб чиқиш кетишлари мумкин:

- резидентлар – хорижий давлатларга хизмат сафарига кетаётган Хукумат делегацияси аъзолари учун Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида;

- норезидентлар – республикага кириш чоғида расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси асосида декларация қилинган маблағлар доирасида, шунингдек республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган халқаро мусобақалар (танловлар, олимпиадалар) совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида.

Ушбу қоидалар дипломатик дахлсизликка эга бўлган шахсларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган нақд валюта маблағларининг ҳаққоний ва тўғри декларацияланиши учун ҳар бир жисмоний шахс жавобгардир.

Мазкур қоидалар 2020 йил 1 сентябрдан қўлланилади.

Отабек ОДИЛОВ,

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходими.

✓ САРҲИСОБ

МУРАККАБ ШАРОИТЛАРДА МУКАММАЛ ИШЛАБ...

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳозирги мураккаб даврга қарамай, божхона хизмати ходимлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда товарларнинг экспорт-импорт операцияларини тезкорлик билан, соддалаштирилган тартибда амалга ошириб келмоқда. Республикамиз божхона чегара постлари орқали товарларнинг кириб келиши ва чиқиш кетиши 24 соат мобайнида давом этмоқда.

Экспорт салоҳияти

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 8 ойи давомида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси томонидан амалга оширилган экспорт ва импорт товарларининг ташқи савдо айланмаси **811,2 млн АҚШ долларини** ташкил этган. Мазкур даврда вилоят экспортёрлари **170,9 млн АҚШ долларини** кийиматига эга товарларни 50 та давлатга экспорт қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг тегишли даври-

га нисбатан 221,11 млн АҚШ долларига ёки 21,42%га камайган. Ҳисобот даврида сальдо манфий кўрсаткичга эга бўлиб, 469,20 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан четга кўпроқ мева-сабзавот, тўқимачилик, озик-овқат, калава ип, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, ҳайвонлар учун озуқалар, пойабзал маҳсулотлари чиқарилган.

Импорт имкониятлари

Таҳлил этиладиган даврда умумий киймати 640,2 млн АҚШ долларига тенг бўлган товарлар импорт қилинган бўлиб, булар асосан технологик асбоб-ускуналар, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, металл ва улардан тайёрланган буюмлар, тиббиёт ва фармацевтика, тўқимачилик, кишлоқ хўжалиги, кимё sanoати ҳамда пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлардир.

Импорт маҳсулотлари кўпроқ Хитой, Россия Федерацияси, Туркия, Қозғистон, Япония, Словения ва Германия каби давлатлардан олиб

келинган. Мазкур товарлардан давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган ставкалар асосида жами 649,6 млрд сўмлик божхона тўловлари ундирилган.

Ҳисобот даврида вилоятда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 315,6 млн АҚШ долларлик асбоб-ускуналар олиб кирилиб, «Эркин муомалага чиқариш» (импорт) божхона режимига расмийлаштирилган ва божхона тўловларидан 572,1 млрд сўм имтиёзлар қўлланилган. Мазкур асбоб-ускуналарнинг 45,65 млн АҚШ

доллари миқдоридидаги қисми бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ТИФ қатнашчиларига 1 трлн 171,2 млрд сўмлик божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган.

Экспорт-импорт операцияларига кетадиган вақтни янада қисқартириш ва божхона расмийлаштируви жараёнини янада соддалаштириш мақсадида божхона соҳасига жорий қилинган «Хавфни бошқариш тизими»нинг самарали фаолияти натижасида битта БЮД-ни «экспорт» божхона режимига расмийлаштириш учун ўртача 38 дақиқа вақт сарфланаётган бўлса, «импорт» божхона режимиде эса бу вақт 2 соатга 7 дақиқани ташкил этмоқда. Жорий йилнинг 15 сен-

Қонунбузарликлар аниқланмай қолмайди

Маълумки, товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида контрабанда ва божхона қонунбузилишига қарши курашиш йўналишида **344 та** ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фош этилиб, натижада жами **3 млрд 82 млн сўмлик** товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан **14 та**



тябрь ҳолатига мазкур тизим орқали жами 27 826 та БЮД тегишли йўлақларга тақсимланган бўлиб, шундан 28,8% (8 016 та БЮД) «яшил» йўлақ орқали, 39,7% (1 1057 та БЮД) «сарик» ҳамда 31,5% (8 753 та БЮД) «қизил» йўлақлар орқали расмийлаштирилган. Мазкур БЮДларда аниқланган 239 та хавфларни минималлаштириш чораларини кўриш натижасида давлат бюджетига 1 млрд 630 млн сўмдан ортиқ қўшимча божхона тўловлари ундирилган.

жиноят иш қўзғатилиб, тергов органларига юборилган бўлса, **301 таси** бўйича маъмурий ишлар юритилган.

Шу маънода божхона органлари олдида қўйилган долзарб вазифалардан бири 2021 йил 1 январдан эътиборан «Божхона аудити» ахборот тизимининг жорий этилишидир. «Божхона аудити» ААТнинг ишга туширилиши «яширин иқтисодий»-ни қисқатиришда ва тадбиркорларга қулайликлар яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Божхона тизимида мазкур амалиётнинг жорий этилиши натижасида юрларни ялпи божхона назоратидан ўтказиш-

га асосланган текширишлардан воз кечилади. Яъни, «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали «кўк йўлақ»ка йўналтирилган ҳамда шартли равишда эркин муомалага чиқарилган товарлар устидан самарали назорат амалга оширилади. Олдий қилиб айтганда, тадбиркорлар томонидан импорт қилинган товарлар қисқа фурсатларда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, чиқариб юборилади. Кейинчалик «Божхона аудити» дастури таҳлил усуллари орқали хавф объектини танлаб олиб, текшириб кўриш юзасидан топшириқ беради.

Бу эса ҳалол тадбиркорларга кенг имкониятлар бериб, товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштирувиغا сарфланадиган вақтни янада қисқартиради. Ва аксинча, қонунчилик талабларини бузишга уринган ноҳалол тадбиркорлик субъектларига нисбатан тўлақонли божхона назоратини назарда тутлади.

Бугунги синови кунларда халқ дардини тинглаш, уларни қийнаб келадиган муаммолардан хабардор бўлиш, бу муаммоларга ўз вақтида ечим топиш, божхона соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни кенг жамоавчиликка етказиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси томонидан брифинглар ҳамда вилоят телерадиоканалларининг «Очик мулоқот» кўрсатувиде тўғридан-тўғри чиқишлар уюштирилди.

Жасурбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари, божхона хизмати подполковниги.

АУТСОРСЕР БИЛАН МУАММОЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

Бухгалтерия аутсорсинги тобора оммаланиб бормоқда. Тадбиркорларнинг бизнес-жараёни мақбуллаштиришга ва улар билан боғлиқ чиқимларни қисқартиришга интилиши бунга туртки бўлмоқда. Бироқ, бошқа ташкилот билан аутсорсинг шартномасини тузишдан олдин бунда қандай муаммоларга тўқнаш келиш ва улардан қандай қочиб муаммоларни билдириш лозим.

«Yaran Consulting» МЧЖ, «Perfect Balance» ХК ва «Balans plus» МЧЖ компаниялари мутахассислари бу борада ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар ва аутсорсер билан шартнома тузишни режалаштираётганлар учун айрим тавсияларини бердилар.

I. Нималарни кутаётганингизни аниқлаштириб олинг

Одатда, дастлабки босқичда барча шартлар белгилаб олинмагани сабабли буюртмачи ва ижрочи ўртасида турли муаммолар келиб чиқади. Буюртмачи нималарнидир кутади, ижрочи эса доим ҳам улардан бохабар бўлмайди. Иккала тараф шартнома тузаётганда иш қандай йўлга қўйилиши кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўлади, бироқ уларнинг тасаввурлари бир-бирига мос келмаслиги мумкин.

1-ВАЗИЯТ.

Мижознинг шартномада бухгалтер бўлган, у бевосита мажбуриятларидан ташқари бошқа функцияларни ҳам бажарган.

Масалан, бухгалтер импорт товарларнинг божхона расмийлаштируви билан шуғулланган ёки кадрлар ишини юритган. Мижоз буни бухгалтернинг иши деб ҳисоблагани учун аутсорсинг компанияси билан олиб борилган музокараларда мазкур масалани муҳокама қилмайди. Тегишинча, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш вақти келганда миждоз ўзини алдангандек ҳис қилади.

2-ВАЗИЯТ.

Тузилган шартномага мувофиқ, аутсорсинг компанияси 1 сентябрдан бошлаб буюртмачининг бухгалтерия ҳисобини юритади.

Аутсорсер ишни бошлаганда январдан августгача бўлган даврдаги бухгалтерия ҳисобини тиклаш кераклиги аниқланди. Шартномада бу жиҳат умуман қайд этилмаган. Буюртмачи бу унинг муаммоси эмаслигини айтмоқда. Аутсорсер ҳам кимдир пулини олиб, ишни бажармагани учун вақтини сарфламоқчи эмас. Бадгумон буюртмачи аутсорсерни ўз мажбуриятларини бажармасликда айблагани уринади.

3-ВАЗИЯТ.


Буюртмачи регламентланмаган ҳисоботни тайёрлашни сўради.

Масалан, солиқ идораси ва давстатқўмга топшириш учун, мустақил равишда ишлаб чиқилган шаклдагисини эса – ўз эҳтиёжлари учун. Мисол учун, кейинги ойда молиявий таҳлилни тузишни. Аутсорсер учун бу – қўшимча иш. Шартномада ижрочи буюртмачининг бундай топширигини бажариши кераклиги ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Аутсорсер қўшимча келишув тузмасдан бундай ҳисоботларни тайёрлашдан бош тортса, буюртмачи норози бўлади.

4-ВАЗИЯТ.

Айрим буюртмачилар аутсорсер билан шартнома тузгач, аутсорсерни сохта рақамларни киритишга мажбурлай оламиз, деб аниқлаштирилди.

Инсофли аутсорсер параллель ёки ҳуфий бухгалтерия юритиш билан шуғулланмайди.



Куйидагиларни тавсия этамиз:

- буюртмачи аутсорсинг компанияси билан музокаралар олиб боришга тайёргарлик кўриш босқичида ўз фаолиятини таҳлил қилиши ва ўзига қандай хизматлар кўрсатилиши кераклигини аниқ белгилаб олиши керак;
- музокаралар олиб бориш босқичида нималарни кутаётганини ҳақида имкон қадар батафсил гапириб бериши ва уларни ижрочи билан муҳокама қилиши керак;
- тарафлар музокаралар натижаларига кўра шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг қиймати шартномада аниқ қайд этилишини назорат қилишлари керак;
- тарафлар шартномада назарда тутилмаган хизматлар кўрсатилишига зарурат туғилганда улар қўшимча келишув тузишлари кераклиги ҳақидаги бандни шартномага киритиб қўйганлари маъқул.

II. Шартнома тузинг

Аутсорсинг шартномасига нисбатан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади (*ФК 38-боби*). Шу билан бирга, келгусида низоли вазиятлар юз бермаслиги учун шартномада албатта қайд этилиши керак бўлган тўртта позиция бўйича бир нечта тавсияларни иноватга олишингизни таклиф қиламиз.

1. Кўрсатиладиган хизматлар рўйхати

Аутсорсинг шартномасини тузаётганда энг қўп йўл қўйиладиган хато – кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини аниқ белгиламаслик, расмиятчилик билан тузилган техник топшириқлар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини икки хил талқин қилишга олиб келадиган формулировкалар. Бу аввалга аутсорсерларнинг хатти-ҳаракатлари устидан назорат қилиш тизимини ташкил эта олмасликка, кейин эса хизматлар сифати кутилганидек бўлмагани учун низолашишга олиб келади.

Куйидагиларни тавсия этамиз:

- «бухгалтерия ҳисоби», «кадрлар ҳисоби» ва ҳ.к. сингари умумий жумлалардан қочинг. Аутсорсернинг вазифаларини янада аниқ ифодаланг. Масалан, куйидаги формулировкалардан фойдаланинг:
- Ижрочи (аутсорсинг компанияси) куйидагилар-

ни ўз ичига оладиган бухгалтерия ва кадрлар ҳисобини юритиш хизматларини кўрсатади:

- бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларга ишлов бериш ва уларни бухгалтерия дастурига (масалан, 1С, 1UZ ва б.) киритиш;
- солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботларини тайёрлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- тузилган меҳнат шартномалари ва уларга қўшимча келишувлар ҳақидаги ахборотни ЯММТ тизимига киритиш;
- «Банк-мижоз» тизимида тўлов топшириқ-номаларини тайёрлаш, буюртмачининг ҳисоб-китоб счёти ҳақидаги ҳаракатларини бўйича банк кўчирмасига ҳар куни ишлов бериш – тарқатиш.

Маслаҳат беришни албатта назарда тутинг. Аутсорсер ўзига зарур ахборот керакли муддатда тақдим этилиши ҳақида эслатиши, битимларни ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини тушунтириши кераклигини қайд этинг.

2. Ахборотни ва иш натижаларини тақдим этиш муддатлари

Аутсорсернинг айби билан эмас, балки миждознинг ходимлари зарур ахборотни ўз вақтида тақдим этамагандеклиги сабабли ҳисоботни топшириш муддати кечикиши мумкин.

Кўпчилик бизнес эгаси ёки унинг масъул ходимлари бошланғич ҳужжатларнинг муҳимлигини ва уларни ўз вақтида тақдим этиш зарурлигини англамайдилар. Улар вақтида тақдим этилмаган ҳужжатлар ҳисобот бузиб кўрсатилишига ва тегишинча, жарималар ва қайта тақдим этишга олиб келишини тушунмайдилар.

Амалиётда бундай вазиятларда аутсорсер меҳрибон кўмакчида қаттиққўл мураббийга айланишга мажбур бўлади. Ана шунда буюртмачи уни тўғри тушунмаслиги мумкин.

Куйидагиларни тавсия этамиз:

Аутсорсернинг сўровига биноан ахборотни тақдим этиш муддатларини ва аутсорсернинг муайян хизматни бажариш муддатларини шартномада аниқ қайд этинг. Низоли вазият юзага келган тақдирда ҳисобот бузиб кўрсатилгани ёки ўз вақтида тақдим этилмагани учун ким жавобгар эканлигини аниқлаш осон бўлади.

3. Ижрочи ва буюртмачининг жавобгарлиги

Тарафлар шартномани тузиш пайтида ўз жавобгарлик зоналарини старлича аниқ белгиламаган бўлсалар, аутсорсер билан ўзаро муносабатларда кўп кийинчиликлар юзага келади. Буюртмачининг барча камчиликлар учун аутсорсер жавобгар деган позициядан келиб чиқиши нотўғри. Хатонинг хатодан фарқи бор.

Шартноманинг ушбу қоидаларини ишлаб чиқаётганда куйидагиларга асосланишни тавсия этамиз:

1. Буюртмачи (миждоз) бошланғич ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгар бўлади. Ижрочи (аутсорсинг компанияси) улар ҳисоб регистрларида (бухгалтерия дастурида) тўғри акс эттирилиши, солиқлар тўғри ҳисоб-китоб қилиниши, солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари тўғри тайёрланиши, ўз вақтида тақдим этилиши ва солиқлар тўланиши учун жавобгар бўлади.

Нафақат йирик, балки кичик бизнес ҳам электрон ҳужжат айланишидан, ЭХФ, электрон ишончномаларни расмийлаштиришдан тобора фаол фойдаланаётганини иноватга олган ҳолда куйидаги мажбуриятларни ижрочи зиммасига

АУТСОРСЕР БИЛАН МУАММОЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН

15-бетда

юклаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бундай бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш ва имзолаш. Сабаби буюртмачи ўзининг ЭРИни бухгалтерия компаниясига топшириши эҳтимоли катта;
- тегишли тўловларни шакллантириш ва қоронанинг ҳисоб-китоб счётидан амалга ошириш. Сабаби буюртмачи муайян – шартнома шартлари билан қайд этилган буюртмачининг ҳисоб-китоб счёти билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун Банк-мижоз (Интернет-банкнинг) тизими ЭРИни ҳам ижрочи – бухгалтерия компаниясига топшириши эҳтимоли катта. Масалан, Банк-мижоз (Интернет-банкнинг) тизимида тегишли тўловлар учун тўлов топшириқномаларини бухгалтерия компанияси тайёрлаши, уларни амалга ошириш ва имзолаш ҳуқуқини эса раҳбар – буюртмачининг директори ўзида қолдириши мумкин;
- бухгалтерия компаниясига юритиш топширилган бухгалтерия дастуридаги барча зарур бошланғич ҳужжатларни (масалан, кирим ва чиқим касса ордерлари, юкхатлар, касса дафтари, ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш дафтари, бош китоб ва х.к.) қоғозга чиқариб, тикиб қўйиш.

ЭРИни нима қилиш керак

Ахборот тизимлари аутсорсерга зарур ҳужжатлар ва ҳисобларни тайёрлаш, уларни масъул ходимнинг ЭРИси билан тасдиқлаш ва мижоз раҳбарига имзолаш учун жўнатиш имконини берса, бу энг мақбул вариант бўларди. Яъни «Банк-мижоз» тизими принципини қўллаш. Бирок бугунги кунда кўп ҳолларда бунинг учун техник имкониятлар йўқ.

Аутсорсерлар ва мижозлар ўзаро ишончга асосланиб вазиятни ҳал қилишга мажбур бўладилар: буюртмачи **mysoliq.uz** ва давлат органларининг бошқа ахборот тизимларидаги шахсий кабинетига кириш имконини берадиган ўз ЭРИни, шунингдек Банк-мижоз (Интернет-банкнинг) тизимидан фойдаланиш учун ЭРИни аутсорсерга ишониб топширади.

Тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун аутсорсерларнинг мижозларига ЭРИга янада масъулият билан ёндашишни **тавсия эта-миз**: калит сертификати пароли маълум бўлган шахслар доирасини кенгайтирманг.

Вариант сифатида, буюртмачининг ходими ҳисобот топшириладиган кунда аутсорсернинг офисига ЭРИ билан келиши ёки аутсорсер қоғоздаги маълумотларни кейин мустақил равишда дастурга киритиш ва жўнатиш учун буюртмачига тақдим этиши мумкин. Бу вариант буюртмачига тўғри келмаса, ЭРИ калити аутсорсинг компанияси ходимига ишончнома асосида топширилишини расмийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Аутсорсинг компаниясининг жавобгарлиги фақат у назорат қилиш имконига эга бўлган хизматларга нисбатан татбиқ этилиши оқилона йўл бўлади.

Хавф-хатарларни ва қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолларини имкон қадар камайтириш учун шартномада қуйидагиларни қайд этиш мумкин:



- аутсорсинг компаниясининг муаммолар мавжудлиги ва улар юзага келиши мумкинлиги ҳақида буюртмачини зудлик билан хабардор қилиш мажбурияти;
- аутсорсернинг юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги хабарномаларни вақти-вақти билан тайёрлаши ва буюртмачига тақдим этиши;
- аутсорсер мижоз операцияни амалга оширишдан олдин хавф-хатарларни чамалаши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиши, яъни хавф-хатарларни имкон қадар камайтириш учун чоралар қўришида ёрдам бериши хизматини. Шартномада аутсорсинг компаниясининг аутсорсер амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши натижасида ҳисобланадиган пеня ва жарималарни буюртмачига қоплаш мажбуриятини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Бу аутсорсерни масъулият билан ва сифатли ишлашга ундайди.

4. Шартномани бекор қилиш шартлари

Аутсорсинг шартномаси бир неча ойдан бир неча йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин. Бунда шартномада келгусида унинг муддатини узайтириш ҳақидаги шартни назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Бу унинг амал қилиш муддати тугаганда, буюртмачи ҳам, ижрочи ҳам уни бекор қилиш истагини билдирмаса, ортқича ташвишлардан халос бўлиш имконини беради.

Шартномада буюртмачи ёки ижрочи шартноманинг амал қилиш муддати тугагунча шартномани бир тарафлама тартибда бекор қилиш истагини билдирадиган ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда буюртмачи билан ижрочи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилишини қайд этиш керак.

Шартнома бекор қилинадиган ҳолатларни назарда тутган ҳолда, унда қуйидагиларни қайд этиш лозим:

- барча зарур ахборот, иш жумладан аутсорсернинг бухгалтерия дастуридаги маълумотлар (масалан, ижрочидан буюртмачига топширилаётган ва қайтарилаётганларнинг батафсил рўйхати илова қилинган топшириш-қабул қилиш далолатномаси: ҳужжатлар солинган йиғмажилдлар, ҳисоб регистрлари, ЭРИ, топшириш санасида шакллантирилган бухгалтерия дастури маълумотлар базаси, пароллар ва х.к.) қандай форматда ва қанча муддатда тақдим этилиши;
- зарурат туғилганда шартнома бекор қилинганидан кейин ижрочи компаниянинг буюртмачига маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш мажбурияти ва х.к.

III. Кадрларни олиб кетманг

Амалиётда буюртмачи аутсорсернинг мутахассисини ўзига жалб қилиб олиб, аутсорсер билан тузилган шартномани бекор қиладиган ҳолатлар учраб туради.

Бундай «айрилик» иккала тараф учун изсиз кетмайди. Аутсорсинг компанияси бундан ранжиб, келусида бундай мижоз билан ишлашни истамайди. Айниқса юқори малакали кадрлар – олтинга тенг, компания мутахассисини тайёрлашга кўп маблағ сарфлаган бўлса. Мижознинг эса бирмунча вақт ўтгач мутахассисдан қўнгли қолади, сабаби аутсорсинг компаниясида бўлгани сингари профессионал ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш бера олмаслиги мумкин. Аутсорсинг компаниясига турли соҳа вакиллари буюртма беради, ностандарт вазиятлар кўп юзага келади, бу ерда ишлайдиган бухгалтер янги билимларни эгаллаб, профессионал тажриба ортириб ва уни мустаҳкамлаб, кун сайин ўсади.

bugalter.uz

СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта севанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОЕВ

Наشر учун масъул –
Бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Наشر кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қўғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси қилишчилган нарҳда. Буюртма г-915, Адади 615. Газета 2020 йил 21 сентябрь соат 16.00 да топширилди.